Mustaqil gazeta

HURRIYAT

O`zingni angla!

Газетамизга 2008 йил учун обуна давом этади.
Муштарийларимиз сафида бўлинг!
Нашр кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * **2008-yil 30-aprel, №20 (577)** * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://**www.hurriyat.uz**

Қалб ва **қанотлар**

Туронзамин бағрида кўплаб буюк зотлар вояга етган. Хусусан, Султон Жалолиддин ва Амир Темур ҳақида ўйлаганда, кишининг кўз олдидан ҳаётнинг турли ҳикматлари кинолентадай ўтаверади.

➪ 3-бет

"Мен ҳаётнинг **атрофидамас, нақ ичида** бўлганман..."

Ёзувчи бамисоли ҳеч нарсани бўрттирмаган, ҳеч нарсани боридан кўра чиройлироқ, ёмбироқ, қабариқроқ қиламан деб бош қотирмаган, балки борини борича ёзган.

➪ 6-бет

«Масал матал эмас, **бу — виждондир**»



Ўқувчилар Шарқ масалчилигидан янада чуқурроқ баҳраманд бўлишлари лозим, бунинг учун эса мактаб дарсликларига мазкур жанр усталари ижодини ўрганишга кенгроқ ўрин берилиши керак деб ўйлайман.

➪ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика Олимпия захиралари теннис мактабини ташкил этиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон давлат санъат институтининг Нукус филиалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари ва "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

■ Тошкентда "Лукойл" очиқ акциядорлик жамияти Директорлар кенгашининг сайёр мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг қатор вазирлик ва идоралари, "Ўзбекнефтгаз" Миллий холдинг компанияси раҳбарлари ҳам иштирок этди. Бугунги кунда "Лукойл" Ўзбекистондаги лойиҳаларни амалга ошириш учун 500 миллион АҚШ доллари сарфлади. 2015 йилгача инвестициялар ҳажмини 5,5 миллиард долларга етказиш режалаштирилмоқда.

■ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси томонидан Қарши шаҳрида ташкил этилган давра суҳбати Ўзбекистонимиз 1995 йилда қўшилган БМТнинг Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага киритишга қарши кураш тўғрисидаги конвенциясининг ижро этилишига бағишланди.

■ "Ўзэкспомарказ"да "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – TIHE 2008" кўргазмаси очилди. Бу йилги кўргазмада дунёнинг 20 мамлакатидан 143 компания иштирок этмоқда. Жумладан, Арманистон, Беларусь, Буюк Британия, Германия, Италия, Эрон, Қозоғистон, Хитой, Латвия, Малайзия, Покистон, Польша, Россия, АҚШ, Туркия, Украина, Швейцария, Жанубий Корея ва Япония компаниялари ўзларининг фармацевтика препаратлари, технология ва гигиена воситаларини кенг намойиш этмоқда.

■ Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Уммон Султонлиги таълим вазири Яҳъё бин Сауд ал-Сулаймий раҳбарлигидаги делегация аъзолари пойтахтимиздаги бошланғич, ўрта ва олий таълим муассасаларида учрашувлар ўтказди.

■ Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида "Энергетика Марказий Осиё иқтисодий хавфсизлигининг омили сифатида" мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир Сиёсий тадқиқотлар маркази ва университет томонидан ташкил этилди.
Унда Марказий Осиё, Шимоли-шарқий ва Жанубий Осиё, Европа мамлакатлари, Америка ва Россиядан халқаро экспертлар иштирок этди.

Халқаро олимпиада иштирокчилари

бўлмиш кўплаб мамлакатларнинг бўлажак кимёгарлари Ватанимиз пойтахти — Тошкент шаҳрида учрашдилар



Мамлакатнинг келажаги ҳар томонлама ривожланган, бой маънавий салоҳиятга эга ёш авлоднинг касбий тайёргарлиги даражаси ва сифатига боғлиқдир.

Ўтган давр мобайнида таълим муассасаларининг замонавий моддий-техник ва ўқув базасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёнига янги стандартлар, илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Юртимизда таълим тизимидаги самарали ислоҳотлар халқаро экспертлар томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда. Шу йил 28 апрель – 4 май кунлари кимё фанидан 42 маротаба ўтказилаётган мактаб ўқувчилари ўртасида Менделеев номидаги Халқаро олимпиадасининг айнан Ўзбекистонда бўлаётганлиги ҳам бежиз эмас.

Куни кеча В.М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректорининг 42-Халқаро Менделеев олимпиадасини Тошкент шаҳрида ўтказиш юзасидан билдирган таклифига биноан пойтахтимизга Россия, Украина, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Белорусь, Озарбойжон, Арманистон, Болгария, Латвия, Молдова, Руминия, Эстония давлатларидан меҳмонлар ташриф буюришди. Ҳар бир жамоа 4 нафардан 10 нафаргача ўқувчи ва бир ёки икки раҳбарлардан иборат.

Тадбир иштирокчилари дастлаб Мустақиллик майдонидаги «Бахтиёр она» ҳайкали пойига гулчамбар қўйишди.

Беллашувларни юқори савияда ўтказиш, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни Ўзбекистонда мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар, тарихий обидалар билан яқиндан таништириш мақсадида Амир Темур хиёбони, Кўкалдош мадрасасига уюштирилган саёҳатлар халқаро олимпиада иштирокчилари қалбида чуқур таассурот уйғотди.

Айниқса, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Камалак» болалар ташкилоти томонидан ўтказилган «Ёшлар ҳамдўстлиги» альянси чет эллик ва ўзбекистонлик ёшлар ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга йўл очди.

— Халқаро олимпиадага тайёргарлик ҳеч қаерда Ўзбекистондагидек, юқори даражада бўлмаган, — деди ўз интервьюсида Менделеев олимпиадаси ташкилий қўмитаси ҳамраиси, В.М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети профессори В.Г. Ненайденко. — Ўзбекистонда жорий этилган 12 йиллик узлуксиз таълим жараёни, аввало, касб-ҳунарга йўналтирилганлиги ва фарзандларнинг қизиқишлари асосида амалга оширилаётгани билан аҳамиятлидир. Бундай таълим тизими шахсни шакллантиради. Мен, албатта, юртингизда кўрганларимни, бу ердаги таълим тизимидаги янгиликларни Россия Таълим ва фан вазирлиги мутасаддиларига сўзлаб бераман. Бундан ташқари Россия Таълим ва фан вазирлигининг вакиллари 42-Халқаро Менделеев олимпиадасини бевосита кузатиш истагини билдирдилар. Бу эса келгусида икки давлат ўртасида кимё фани ва илмининг истиқболи йўлида янгидан-янги лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради. Мен, аввало, давлатингиз Президентига ва барча мутасаддиларга олимпиадани ўтказиш учун кўрсатган юксак тайёргарлик ишлари учун чексиз миннатдорчилик билдираман.

Албатта, халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик, ҳамжиҳатлик ва тараққиёт учун илм-маърифатнинг роли ғоятда каттадир. Буни ҳар бир иштирокчи, ҳар бир мураббий дил изҳорларида баён этмоқда.

2»

2008 ЙИЛ – ЁШЛАР ЙИЛИ

Буюк мақсадлар **тажассуми**

ЁШ АВЛОДГА БЎЛГАН ҒАМХЎРЛИК МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ИЛК КУНЛАРИДАН БОШЛАБ ДАВЛАТИМИЗ СИЁСАТИНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНДИ.

Бунинг сабаби, буюк келажакка бўлган ишонч, кучли фуқаролик жамиятини қуриш, аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш айнан мана шу ёш авлод тарбияси, уларнинг қай даражада таълим олишига боғлиқ.

— Юртимизда яшаётган ҳар бир боланинг ўзига хос қобилияти ва истеъдодини ўз вақтида пайқаш, тарбиялаш ва рўёбга чиқариш — бу ўта муҳим вазифани бажариш нафақат ота-оналарнинг эзгу мақсади, балки жамиятимизнинг ҳам бурчидир,— деган эди Президентимиз.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб вояга етказиш учун олдинга қўйилган вазифаларни амалга ошириш, ҳаётга изчил татбиқ этиш мақсадида ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари шакллантирилди. Бу борада бир қатор қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва яна ҳам самарали ишлар устида янгича изланишлар олиб бориляпти.

Мамлакатимизда ёшларга нисбатан эътиборнинг ортиб бориши республикамизда янгича дунёқараш, демократик тафаккурга эга бўлган ёшларнинг янги авлоди шаклланишига омил бўлмоқда.

Ватанимиз ўз олдига қўйган юксак мақсадларини, барча эзгу орзу-ниятларини амалга оширишда миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги кенг кўламли ва мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган кадрларни тайёрлаш масаласи муҳим масалалардан биридир.

2»

ДУНЁ СИЁСАТИ

"Темир хоним"нинг мурожаати

Юлия Тимошенко блоки Украина Конституциявий судига мурожаат билан чиқди.

Маълум бўлишича, ҳар бир тавсия хатига Олий Раданинг 60 га яқин депутати имзо чеккан. Украина қонунларига мувофиқ, Конституциявий судга мурожаат қилиш учун 45 нафар депутат қўллови керак бўлади.

Таҳлилчиларга кўра, Конституциявий суд Украинада эълон қилинган айрим фармонларни қонунга зид деб топиши мумкин.

Юлия Тимошенко блоки телекоммуникация, молиявий хизматлар ҳамда табиий монополиялар тўғрисидаги фармонларни қонунга мувофиқлигига шубҳа билдирган.

5»

ҲОЛАТ

Ҳўжасизлик

ёки суд ижрочиси томонидан асоссиз равишда сотиб юборилган кўчмас мулк хусусида

Маъданли сув ишлаб чиқарувчи «Шифобахш булоқ» очиқ акциядорлик жамиятининг бюджет олдидаги қарзи анча-мунча тўпланиб қолгани боис Юнусобод тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари Хўжалик судига мурожаат қилади. Натижада 2004 йил 20 октябрда «Шифобахш булоқ» ОАЖдан 22.896.558 сўмлик бюджетга мажбурий тўловларни ундириш ҳақида суд буйруғи чиқади.

Суд буйруғини бажариш мақсадида Судлар фаолиятини моддий-техника ҳамда молиявий таъминлаш, суд қарорларини ижро этиш Департаментининг Юнусобод тумани бўлинмаси томонидан корхонага тегишли Х.Асомов кўчасида жойлашган 1-уй сотувга қўйилади. «Капитал плюс сервис» масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) ушбу кўчмас мулкнинг тугатиш баҳосини 35.908200 сўм деб баҳолайди.

2005 йил 11 май куни кимошди савдоси ўтказиш белгиланади. Уни ихтисослашган кимошди савдоларини ўтказувчи «Реал Мегаполис» МЧЖ ўтказиши керак эди. Савдодан бир кун олдин ижро бўлинмаси ва «Реал Мегаполис»га Давлат мулк қўмитасининг хати келиб тушади. Унда маълум қилинишича, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 апрелдаги 185-сонли қарорига асосан «Шифобахш булоқ» ОАЖнинг 85,9 фоиз акция пакети 170,2 минг АҚШ доллари ҳамда корхонага 500,0 минг АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритиш шарти билан 2003 йил 28 июлдаги олди-сотди шартномага биноан «Росс-УзМрамор» МЧЖга сотилган.

Фуқаролик кодексининг 82-моддасига асосан «Росс-УзМрамор» МЧЖ билан «Саида-Хамид» МЧЖ ўртасида «Шифобахш булоқ» ОАЖ устав фондидаги 85,9 фоиз акция пакетини сотиб олиш юзасидан 2004 йилнинг 15 декабрида ўзаро ҳамкорликда фаолият юритиш тўғрисида битим тузилган.

2»

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Бугуннинг нафаси

- Бир қатор вилоятларда 2008 йилнинг биринчи чорагида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Йиғилишларда таъкидланганидек, жорий йилнинг ўтган даврида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми Фарғона вилоятида 1,8 фоиз, Самарқанд вилоятида 11,6 фоиз, Сурхондарё вилоятида 5,1 фоиз, Бухоро вилоятида ҳам 5,1 фоиз, Навоий вилоятида эса 5,3 фоиз ўсган.

- Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан баҳорги ва ёзги мавсум либослари коллекцияси намойиш қилинди. Унда пойтахтимиздаги "Дом стиля" модалар уйи модельер-дизайнерлари яратган янги либослар томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

- Тошкент шаҳрида "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида ўтказилган умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг "Ижодкор-ихтирочи" республика кўрик-танлови якунланди. Юзлаб ўқувчилар орасида олти нафар ёш иқтидор соҳиби турли йўналишлар бўйича ғолибликни қўлга киритди.

- Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси томонидан «Ёшлар йили»га бағишлаб ташкил этилган «Халқ ижодиёти поезди» иштирокчилари душанба куни Қашқадарё вилоятида бўлди.

- Навоий шаҳрида «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи остида тайёрланган саноат маҳсулотлари ва кооперацион биржа савдоси ярмаркаси ўтказилди. Икки кун давом этган ярмаркада Навоий кон-металлургия комбинати, «Қизилқумцемент», "Навоийазот", "Навоийэлектрокимёзаводи» каби ўнлаб йирик саноат корхоналари ҳамда элликдан ортиқ хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намойиш этилди.

- Самарқанд вилоятидаги Пайариқ қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида Осиё тараққиёт банки лойиҳаси асосида ажратилган ўқув амалиёти жиҳозларидан фойдаланишга бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

- Қарши шаҳрида имконияти чекланган болалар ўртасида мини футбол бўйича халқаро турнир мусобақалари якунланди. Мусобақалар якунида ўғил болалар ўртасида Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари, Туркманистон Республикаси жамоалари, қизлар ўртасида Тошкент шаҳри ва Хоразм вилояти спортчилари ғолибликни қўлга киритди.

- Риштон туманида "Фарғонаавтотеххизмат" акциядорлик жамияти томонидан автомобилларни таъмирлаш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш мажмуаси ишга туширилди. Мажмуа энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Унда 20 нафар ёш иш билан таъминланди.

- Кармана туманидаги «Бентонит" Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган бентонит минерал унидан, асосан, нефть ва газ қудуқларини бургуланда, шунингдек, паррандачорва озуқаси тўйимлилигини оширишда фойдаланилади. Ўтган йили корхонада қарийб 14 минг тонна бентонит уни ишлаб чиқарилиб, асосий қисми "Ўзбурнефтегаз», «Ўздонмаҳсулот» тизимидаги корхоналарга етказиб берилган бўлса, 30 фоизидан ортиғи Қозоғистон, Кипр, Чехия, Болгария, Қирғизистон сингари мамлакатларга экспорт қилинди.

Диляноз МИРЗАЁҚУБОВА тайёрлади.

Буюк мақсадлар **тажассуми**

(Бошланиши 1-бетда.)

Мана шу мақсадда амалга оширилган ишлар ҳозирги вақтда ўз самарасини бермоқда. Энг муҳими, бугунги кунда мустақил ҳаётга кириб келаётган тенгдошларимизни жамиятимизда муносиб ўрин эгаллаши учун давримизнинг ўзи олдимизга янги-янги вазифаларни кўндаланг қўймоқда. Шу сабабли ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг мукаммал тарбиясини таъминлаш, замонавий билим ва касбга эга бўлиш бугунги ўта мураккаб ва таҳликали замонда ҳар қандай хатарларга, зарарли таъсир ва оқимларга нисбатан огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлиб яшашини, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

"Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" ва бошқа нуфузли мусобақалар орқали ёшларимиз жисмонан соғлом, ақлан бақувват бўлиб етишмоқдалар ва жаҳон мусобақаларида мустақил Ўзбекистонимизнинг байроғини тобора юксак кўтариб, мадҳиямиз дунё мамлакатлари ареналарида янграшига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Кўплаб лицей, коллеж, мактаб, спорт иншоотларининг барпо этилиши, мавжудларининг эса тубдан таъмирланиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланиши ёшларнинг билим олишлари учун янги имконият ва шароит яратмоқда. Бу фаолиятлар натижасида юртимизда ўтказилаётган "Ниҳол" ва "Зулфия" мукофоти танловлари, "Янги авлод" ва "Келажак овози" кўрик-танловлари минг минглаб ёш истеъдод эгаларини кашф этаётгани барчамизни қувонтиради. Бундан ташқари илм-фан билан шуғулланаётган ёшларга Президент стипендиялари берилмоқда. Мамлакатимизда ёшларни бирлаштириб, уларни ўз мақсадлари сари етаклайдиган "Камолот" ЁИҲ ташкилоти фаолияти йилдан-йилга ривож топаётир.

Буюк француз мутафаккири Ф.Бэкон айтганидек "Фақатгина бир нарса миллатни саҳоватли қилади — ёшларга эътибор". Ёшлик даврини унумли ўтказишга, эртанги кунга муносиб пойдевор ғамхўрлик йўлида қабул қилинган барча дастурлар бунёдкорлик мақсадига қаратилган.

Албатта, юртимизда жорий йилнинг "Ёшлар йили" — деб эълон қилинишининг ўзиёқ, Юртбошимизнинг келажак авлод учун нечоғли қайғуришидан далолат. Бугун билим оламан, келажакда комил инсон бўлиб етишаман деган ҳар бир ёшга барча шарт-шароит ва имконият бор. Энди ана шу ғамхўрликка жавобан меҳнат қилиш, ўқиб-изланиш биз ёшларнинг ўзимизга боғлиқ.

Шерзод КАРИМОВ
Тошкент давлат юридик институти магистратура бўлимининг 2-босқич талабаси.

Халқаро олимпиада иштирокчилари

(Бошланиши 1-бетда.)

Биз ҳам 42-Халқаро олимпиаданинг асосий қисми – кимё фанининг илмий-амалий мусобақаларига катта тайёргарлик билан келган, физика-математика, химия-биология фанидан махсус мактабларда таҳсил олаётган чет-эллик ўқувчилар билан ҳам суҳбатлашдик.

Анна Сивоплясова, Белорусь Республикаси Минск шаҳридаги лицей ўқувчиси:

– Мен аввал ҳам Ўзбекистоннинг гўзал диёрлиги ҳақида кўп бор эшитганман. Буни бугун ўз кўзим билан кўриб турибман. Юртингиздаги тарихий обидалар қалбимда чуқур таассурот уйғотди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Камалак» болалар ташкилотлари томонидан уюштирилган «Ёшлар дўстлиги» альянси ҳақида ватанимга қайтгач, ота-онамга, дўстларимга сўзлаб бермоқчиман. Қолаверса, халқаро олимпиадага ташриф буюрган иштирокчилар орасида кимё фанини чуқур биладиган ўқувчилар кўп экан. Бу олимпиадани қизиқарли руҳда кечишидан далолат беради. Бу йўлда барча билимдон дўстларимга омад тилайман.

Дмитро Бандак, Украина Республикаси Винница шаҳридаги 4-мактаб ўқувчиси:

– Ўзбекистонда кимё фанига алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилиши халқаро олимпиада иштирокчиларининг руҳиятини кўтарди. Олимпиадага ўз билимимга ишониб келган бўлсам-да, бошқа давлатлар ичидан ўзбек ёшларининг илмий салоҳияти баландлиги сезилиб турибди. Нима бўлганда ҳам бу учрашув дўстликлик рамзи сифатида қалбимизда бир умр муҳрланиб қолишига ишонаман.

Кирилл Суховерков, Россия Федерацияси Барнаул шаҳридаги 22-гимназия ўқувчиси:

–Биз халқаро олимпиадага ўз илмий салоҳиятимизни синаш, жоиз келса ошириш учун келганмиз. Олимпиаданинг бош вазифаси ҳам бир-биримизнинг салоҳиятимиз билан танишишдир. Очиғи, ўзбек ёшларининг миллий эътиқодларига эга эканлигидан уларга ҳурматим ошди. Саёҳатлар давомида қалбимда ажиб туйғу уйғотган Амир Темур хиёбонидаги Соҳибқирон ҳайкали бўлди. Олдимизда олимпиаданинг асосий саралаш босқичи турибди. Бунга жиддий тайёргарлик кўраяпмиз.

Куни кеча эса Москва давлат университетининг Тошкент филиалида 42-Халқаро олимпиада очилиб, ўз ишини бошлаб юборди. Ҳали олдинда иштирокчиларни жиддий синовлар кутмоқда. Албатта, олимпиадага бағишланган тадбирлару қизиқарли учрашувлар, оламшумул саёҳатлар эса меҳмонларнинг бой таассуротлар билан уйларига қайтишларини таъминлайди.

Зебо АБДУҚОДИРОВА

ХАБАР

Семинар-тренинг бошланди

Кеча пойтахтимиздаги "Шодлик-палас" меҳмонхонасида вилоятлардаги ёшлар телестудияларининг ёш журналистлари, тасвирчилари, монтажчилари ва "Келажак овози" ёшлар ташаббускорлар марказининг етакчилари ҳамда Ахборот маркази лойиҳасида иштирок этувчи ҳудудий журналистлар учун "Ёшлар студияларининг фаолиятини янада такомиллаштириш, ёшлар орасида соғлом ҳаёт тарзини кенг тарғиб қилиш" мавзусида семинар-тренинг бошланди.

Икки кун давом этадиган мазкур тадбир Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан Нодавлат электрон ОАВни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) ваколатхонаси ҳамда "Келажак овози" ЁТМ ҳамкорлигида ташкил этилди.

Семинар-тренингнинг биринчи куни назарий машғулотлар билан бошланди. Уюштирилган суҳбатлар чоғида республикамиз вилоятларидан келган ёш ижодкорларга давр талабларига мос телекўрсатувларни таёрлашда нималарга аҳамият қаратиш зарурлиги хусусида рангбаранг фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бугун ҳам семинар-тренинг ўз ишини давом эттирмоқда. Мутахассислар ва иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, ўзларининг ахборот лавҳаларини тайёрлашни режалаштиришган. Қолаверса, улар Тошкент шаҳрининг турли жойларида бўлиб, тасвирга олишни ҳамда материалларнинг монтаж жараёнларини ўрганишни кўзлашмоқда. Ўргатилган амалий билим телеходимларнинг кейинги фаолиятида катта аҳамият касб этиши муқаррар. Негаки, юз марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзалдир, тўғрими? Кун давомида яратилган лавҳалар эса тажрибали мутахассислар томонидан кўриб чиқилиб, биринчиликни эгаллаган ёшлар рағбатлантирилади. 1 май куни эса тренингнинг якуний қисми "Рединссон" меҳмонхонасида бўлиб ўтади. Унда энг яхши лавҳа муаллифлари махсус совғалар билан тақдирланади.

Умид ДЎСТҚОБИЛОВ

АНДИЖОН ТОМОНЛАРДА

ҲУНАР ЎРГАНИШНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ

Германиянинг Олмон халқ университетлари уюшмасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси томонидан "Банд бўлмаган аҳолини касбга тайёрлаш учун Ўзбекистондаги касб-ҳунар коллежларини инфратузилмаси ва салоҳиятини яхшилаш" лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Лойиҳанинг асосий мақсади маҳаллий меҳнат бозори талабларини ўрганиб, катта ёшдаги аҳолига касб-ҳунар ўргатишдан иборат. Ушбу мақсадда юртимизнинг турли вилоятларида 21 та касб-ҳунар коллежларида катта ёшдагиларга таълим бериш ўқув амалиёт курслари ташкил этилди. 6 ой мобайнида қурилиш, транспорт, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, миллий хунармандчилик ва коммунал хўжалиги соҳаларида 650 нафар мутахассис тайёрланди.

Андижон уй-жой ва қурилиш ҳамда Асака қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежларида 40 нафар фуқаро тикувчилик, электр-газ пайвандчи, дурадгор мебелсоз таълим курсларини ўтади. Муҳими, битирувчиларнинг 90 фоизи иш билан таъминланди.

Келгусида Андижон "Сувоқава" ташкилоти сўровига кўра яна 50 нафар мутахассис тайёрлаш режалаштирилган.

МИЛЛИЙ СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ФЕСТИВАЛИ

Андижон шаҳрининг хушманзара Боғишамол даҳасида миллий спорт ўйинлари фестивали ўтказилди.

Ёшларнинг шўх ва шодон кулгуларига уланиб кетган беллашувларда мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари ва касб-ҳунар коллежи талабалари кураш, узун харак, оқ теракми кўк терак, елкада кураш тушиш, арқон тортиш каби 15 турдаги миллий ўйинларни намойиш этишди.

Қизғин тортишувларга бой бўлган фестивалда момоларимиздан бизгача етиб келган жамбил ўйини билан Олтинкўл тумани жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Тадбирнинг энг катта ютуғи эса азалий қадриятларимиз бўлган миллий ўйинларимизни қайтадан тиклангани бўлди, дейиш мумкин.

Анваржон ҲАЛИМОВ, "Ҳуррият" мухбири.

Хўжасизлик

(Бошланиши 1-бетда.)

Ушбу битим асосида Давлат мулк қўмитаси, «Росс-УзМрамор» ва «Саида-Хамид» МЧЖлар ўртасида 2005 йил 3 январда келишув шартномаси амалга оширилади.

Унда «Саида-Хамид» МЧЖга 85,9 фоиз акция пакети учун 170.000.000 сўм пул тўловларини амалга ошириш ва корхонага 500 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш шарти қўйилади.

Шундан сўнг «Саида-Хамид» МЧЖ томонидан 34 миллион сўм миқдорида пул тўловлари, шу жумладан, корхонанинг 40 миллион сўмдан ортиқ бюджет олдидаги қарзлари тўланган. Бундан ташқари, 207 миллион сўм сармоя киритилган. Ишламай ётган 2 корхона капитал таъмирланиб, 100 дан ортиқ ишчи ўрни яратилди.

Шуларни, яъни корхона янги сармоядор қўлига ўтгани ва у қарзларни тўлаётганини инобатга олиб Мулк қўмитаси савдони тўхтатишни сўраган эди. Бунга жавобан ижро бўлинмаси ва «Реал Мегаполис» МЧЖ томонидан ушбу савдо ўтказилмаслиги маълум қилинади. Аммо, савдо ўтказилди ва кўчмас мулк фуқаро Т.Крюкка 45 миллион сўмга сотилди.

Орадан бироз ўтиб, юқоридаги ҳаракатлар ўрганилганда, ижрочи ҳамда кимошди савдосини ўтказган шахслар ҳаракатларида қатор қонунбузилишлар борлиги аниқланади ва жиноят иши қўзғатилади. Масалан, суд ижрочиси Н.Мирзакаримов сотувдан тушган пулларни давлат бюджетига эмас, балки бешинчи навбатдаги даъвогар ташкилотга ўтказиб юборган. «Реал Мегаполис» МЧЖ аукцион савдоларини ташкил қилиш ташкилоти раҳбари ўринбосари С.Йўлдошев ҳамда Реклама ва маркетинг бўлими бошлиғи Ж.Умаров кимошди савдоси иштирокчилари ҳужжатларини тўлиқ ўрганиб чиқмаган экан. Яъни, кимошдида мулкни фуқаро Т.Крюк сотиб олган бўлса, савдода қатнашган яна бир талабгор — «Пишевик» қўшма корхонасининг 99,4 фоиз улуши эгаси Т.Крюк бош директор бўлган «СТС Москва» ёпиқ акциядорлик жамиятига тегишли бўлган. Бу аукцион савдоларни ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мутлақо зид эди.

Юқоридаги учала шахсга (Н.Мирзакаримов, С.Йўлдашев ва Ж.Умаров) қўзғатилган жиноят иши Сенатнинг 2005 йил декабрдаги амнистия актига асосан иш юритишдан тугатилди.

Мана, шундан бошлаб хўжасизларча сотилган ушбу мулкни корхонага қайтариш юзасидан можаро давом этиб келмоқда.

Эътибор беринг. Дастлаб корхона манфаатини кўзлаб Савдо-саноат палатаси томонидан ушбу савдога оид барча ҳужжатларни бекор қилиш ва ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги даъво аризаси фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судида қаноатлантирилган эди.

Қуйи суд қарори апелляция ҳайъати ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилди. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди президиуми қарори билан апелляция ажрими бекор қилиниб, янгидан апелляция босқичида кўрилиши белгиланди. Яна апелляция ҳайъати ажрими билан ўзгартирилди. Қарор апелляция ажрими билан тўлдирилди. Масалан, Х.Асомов кўчасидаги 1-уй инвестор — «Саида-Хамид» МЧЖ қўмитаси хатидан кейин ҳам эътибор беришни хоҳлашмаган.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция ҳайъатининг ўтган йили 4 декабрь кунги ажрими асосида Шайхонтоҳур туманлараро судининг қарори қисман ҳўжалик юритувига қайтариладиган бўлди. Ажримда белгиланишича, суд ижрочиси томонидан ушбу мулкнинг «Саида-Хамид» розилигисиз ва иштирокисиз сотилиши мумкин эмас эди. Чунки юқоридаги таъкўра, энди бу мулк қарздор «Шитор тасарруфида бўлган. Ваҳоланки, инвестор корхонанинг бюджет қарзларини тўлаётган эди. Ижрочилар бу ҳолатга ҳатто Давлат мулк қўмитаси хатидан кейин ҳам эътибор беришни хоҳлашмаган.

> *Қизиғи шуки, ушбу кимошди савдоси бўйича тузилган шартномада айнан Т.Крюкка «Шифобахш булоқ»нинг айнан қайси бино ва иншоотлари сотилгани аниқ кўрсатилмаган. Шартномада «Шифобахш булоқ» бино ва иншоотлари дейилган, холос. Ваҳоланки, сотилган бино ва иншоотларнинг хатлаш далолатномаси кимошди савдосигача тузилган-тузилмаганлигини судда ҳам аниқлашнинг имкони бўлмаган — ижрочилар бундай далолатномани судга тақдим қила олмаган...*

Ушбу кўчмас мулкнинг асоссиз савдоси ҳақида ажримдаги яна кўплаб далилларни келтириш мумкин. Лекин эътиборни бошқа нарсага қаратмоқчи эдик.

Оддий бир низонинг йиллаб ечими топилмай, у ёқдан бу ёққа сарсон бўлиши ишлаб чиқаришни ривожлантиришга таъсирини ўтказмай қолмайди. Юқоридаги фуқаролик ишининг юқори босқич судлари томонидан икки марта янги апелляция босқичида кўрилиши белгиланганини айтдик. Жами ушбу низо бўйича 6 маротаба суд бўлди, 2 йилга яқин вақт кетди. Бу орада, эҳ-ҳей, фаолиятни қанча ривожлантириш мумкин эди. Энг ёмони, бу ҳозиргача бўлган ҳолатнинг таҳлили.

Акбар АБДИМУРОД, журналист.

ИФТИХОР

Қалб ва қанотлар

Туронзамин бағрида кўплаб буюк зотлар вояга етган. Хусусан, **Султон Жалолиддин** ва **Амир Темур** ҳақида ўйлаганда, кишининг кўз олдидан ҳаётнинг турли ҳикматлари кинолентадай ўтаверади. Зеро, бу икки инсон таржимаи ҳолида тирикликнинг жами синоатлари, одам боласи кечириши мумкин бўлган барча кушойиш ва оройишлар, табиатда мавжуд, илмий тилда gomosipiens деб аталувчи энг мукаммал икки оёқли жонзотнинг нималарга чидаши-ю, нималарга қодирлиги, хуллас, ер юздузининг ноль нуқтасидан чексизликкача бўлган ўлчами мужассамлашган десак, хато бўлмайди. Шубҳасиз, бундай теран мазмунни, худди таёқнинг икки учини бир қўлда ушлаб бўлмаганидек, ягона қамровда тутиб бўлмайди. Бинобарин, аслида ҳам шундай, бу икки шавкатли аждодимиз ҳақида неча юз йиллардан буён неча юз саҳифали тарихлар ёзиб келинмоқда. Бизнинг бу саъй-ҳаракатимиз эса Турон осмонининг мазкур икки ёруғ юлдузини ёнма-ён тасаввур қилиб, улар ҳаётидаги муштарак жиҳатларни таққослаб, шу орқали зеҳнимизни ёритиш, унутилаёзган ва ҳамон ғуборлардан тўлиқ покланмаган қадриятларимизни ёдга олиб, бугун дунёга "Мустақил Ўзбекистон" номи билан дадил танилаётган юртнинг ўтмиши ҳам, тарихи ҳам, демак, келажаги ҳам ягоналиги, яхлитлигини яна бир бора эсга солишдир. Озод юртимиз туғросида акс этган Ҳумо тимсоли эртаклардаги афсонавий қушдан олинмаган, балки унинг қалби, ўнг ва чап қанотлари аждодлар тарихининг чиғиридан ўтган чўнг мазмунини ифодалаб турибди.

Гўдакликдаги номлари Жалолиддин (бобоси Жалолиддин Отсиз шарафига) ва Темур (Қуръони каримдаги «Мулк» сураси 16-оятдан) бўлган боболаримизнинг туғилиш санасида 138 йил фарқ бор. Жалолиддин Урганчда дунёга келди, унинг отаси Аловиддин Муҳаммад 1077 йилдан ҳукмдорлик қилиб келаётган Хоразмшоҳларнинг еттинчи вакили эди. Онаси Ойчечак қайнотаси, ўша пайтда тахт соҳиби (1193–1220) Аловиддин Текиш истагига мос равишда тўнғич набирани ҳадя этганди. Шаҳрисабзда таваллуд топган Темурнинг отаси Муҳаммад Тарағай улуснинг обрўли бекларидан бўлиб, диндор ва маърифатли киши эди. Онаси Тегинабегим Моҳ Бухоро шариат қозиси Убайдуллоҳ Маҳмуд ал-Маҳбубийнинг қизи эди. Жалолиддиннинг туғилишини табриклаб, шайх Нажмиддин Кубро дуолар қилган бўлса, Темурга шайх Шамсиддин Кулол исм қўйиб, ёруғ иқбол тилаганди.

Даврининг нуфузли, баланд мартабали оилаларида кўз очган шаҳзода ва бекзода болалик ва ўсмирлик йилларини тўкис муҳитда ўтказганлари, замонасининг таниқли кишиларидан сабоқ олиб, ҳарб илмида ҳам, маърифатда ҳам баркамол даражага етганлари тарих китобларида ишончли қайд этилган. Улар тийнатидаги жисмоний устунлик қилич чопиш, найза улоқтириш, мерганлик сингари жанговар машғулотларда тенгсиз бўлишларини таъминлаган, уларнинг зуваласида аввал бошиданоқ буюк саркардалик салоҳияти камол топаётган эди. Ишончли манбаларда Жалолиддин ҳам, Темур ҳам икки қўлда икки қилич билан баравар чопишгани, бундай маҳорат камдан-кам ҳарбийларга насиб этиши таъкидлаб ўтилган.

Улар улғайиб, сафга киргач, замоннинг оғриқли саволларига рўпара келдилар. Бири издиҳом (бу шароитни юмшоққина қилиб"маърака" ҳам деб аташ мумкин)нинг бошида турди, ва, ниҳоят, кейингиси босиб келган тун зулматини парчалаб, Ватанни озодликка олиб чиқди — Султон Жалолиддин бошлаган оламшумул юмушни Амир Темур охирига етказди.

Султон Жалолиддин тарих саҳнасига чиққанда Шарқдан қўзғалган бало чумоли галаларидек Хоразмшоҳлар салтанатини пайҳон қилиб келар, бу буҳронни тўхтатадиган куч майдонда йўқ, шон-шуҳратдан боши айланган ҳукмдорлар жиловни қўлдан қочирган эди. Жалолиддин тақдирнинг барча зарбаларига чидаб, ҳам ички ёв билан, ҳам ташқи душман билан муросасиз курашди. Босқинчиларга қарши муҳорибасининг энг чўққиси ва шафқатсизи — Синд дарёсининг Нилоб кечуви яқинида толеъ унга бир қулиб боқканди. Жасорат билан душманнинг темирдан ҳам мустаҳкам мудофаасини ёриб борди, Чингизхонга қилич сирпаб, белига арқон ташлаб, судраб жўнади. Фақат қисмат қиличи арқонни кесиб юборди, Чингизхон омон қолди. Лекин босқинчи ғолиб бўлгач, шафқатсиз қасос олди...

Амир Темур камолга етган паллада Чингизийлар авлодидан бошлиқлар ўзгарган, бироқ зулм, истибдод бурунгидай қолган, балки баттар кучайган эди. Ўша пайтда Моваройуннаҳрни идора қилиб турган Туғлуқ Темур Чиғатой улусини бошқарган Чингизхоннинг олтинчи авлоди эди. Темур вазиятни чамалаб, фурсат келишини кутиб, унинг хизматига боради. Худди шу йили у Жалолиддин сўнгги бор Чингизхон билан тўқнашган ва дарёдан ўтиб кетган ёшда эди. Тарихдаги эврилишни қарангки, ёвга қарши бир қасоскор ўйиндан чиқди ва орадан 138 йил ўтиб, ўша ёшда яна ўша завол топган мақсадини байроқ қилиб, қасос ўти билан пайдо бўлди. Бу тасодифларда қандайдир ички мантиқ борга ўхшайди ва у ўз

ҳақиқати билан Султон Жалолиддин ва Амир Темурнинг ягона воқелик эканини, ягона халқ армонларининг ибтидоси ва интиҳоси — зулмга қарши курашнинг бошланиши ва охирга етказилишидаги икки нуқталигини тасдиқлаб турибди. Ҳақиқатан, Соҳибқирон Амир Темур салтанатининг юзага келиши қоронғулик тугаб, ёруғлик бошлангани аломати эди. Султон Жалолиддин вафот этганига 138 йил тўлгач, Амир Темур унинг орзусини рўёбга чиқарди. Моваройуннаҳрда туркийлар давлатини тиклади (1370 йил).

Ҳақиқатан, Соҳибқирон Амир Темур, кейинчалик Темурийлар ҳукмронлиги даври миллатнинг, ватаннинг барча орзулари амалга ошган йиллар бўлганини бугунги хулосалар ҳам тасдиқлайди. Шунингдек, бу давр мўғуллар истилоси туфайли узилиб қолган ва яна тикланган (бугунги истилоҳ билан айтганда) ўзбек давлатчилигининг қад ростлаши ва изчил давом этиши даври бўлди. Амир Темур бир пайтлар Хоразмшоҳларнинг ҳам пойтахти бўлган Самарқандни ўз давлатининг маркази сифатида танлади. Соҳибқирон салтанати даврида Хоразм воҳасининг мавқеи юксалди, юрт обод бўлиб, гуллаб-яшнади. Амир Темурнинг бу ҳудудга алоҳида эътиборини шундан ҳам билса бўладики, Хоразм тўғридан-тўғри марказий бошқарувга қараган ва хазинадан маблағ ажратилганда пойтахт билан тенг мавқеда турган. Хоразм маликаси Хонзодахонимнинг тўнғич келин сифатида танланишида ҳам айрича меҳр уфуриб турибди.

Айни шу ўринда фикрдаги бир стереотипга муносабат билдириб кетишга тўғри келади. Кўпчилик Амир Темур Кўҳна Урганч қалъасини вайрон қилган, деган фикрга ортиқча урғу беради. Бугунги маълумот даражасида мазкур қарашга батафсил изоҳ бериш мумкин (негаки, тарихимизда оқ доғлар бўлмаслиги лозим)!

Маълумки, Амир Темур Самарқанд тахтига ўтирганда Хоразмда Сўфийлар авлоди ҳукмронлик қиларди. Улар мўғулларни худосидек кўрар, уларга сажда қиларди. Шу кайфият таъсирида кўп қуткуларни юзага келтирдилар, Амир Темур беш марта Хоразмга келиб, музокаралар олиб борди, лекин улар бузғунчиликларни авж олдиравердилар. Ана шундай шароитда қатъий чора кўрмасликнинг иложи йўқ эди. Қолаверса, Кўҳна Урганч қалъасининг бузилиши Соҳибқироннинг суронли юришлари масштабига солиб кўрилса, оддий воқеа бўлиб қолади. 1367 йилда Қарши, 1370 йилда Балх қалъаларига ҳам ҳарбий мақсад нуқтаи назаридан зарба урилган эди. Кўҳна Урганч қалъаси орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, аҳвол ўнглангач, олдингисидан ҳам баланд ва мустаҳкам қилиб қайта тикланган. Бу воқеага урғу бериб кўпиртирилишининг сабабини қидириб, узоққа бориб ўтириш шарт эмас. Бу иғвони шўро мафкурачилари ўйлаб топган ва халқни бўлиб ташлашнинг бир усули сифатида қўллаган. Аслида ким Султон Жалолиддинни ҳурмат қилса, Амир Темурни ҳам яхши кўради, негаки, бу икки улуғ зот бир-бирини тўлдирадиган, бир-биридан ажралмайдиган ҳодисадир.

Ҳақиқатан, қарийб бир ярим аср давом этган мўғуллар истилоси ва босқинчиларга қарши эрк кураши тарихини чамалаб кўрсак, йўллар бир неча ўринда кесишганини, лашкар бир кўприкдан бир неча марта ўтганини ҳис қилиш қийин эмас. Чунки топталган замин нажот кутар, унинг шер йигитлари майдонда от суриб, истибдоддан қутилиш йўлини излашарди. Гўёки улкан саҳнада ҳарбий ҳаракатлар давом этар, саҳна кўринишлари, томоша иштирокчилари ўзгариб турса-да, моҳият битта эди: Ватан озодлиги! Демак, ўз-ўзидан воқеаларнинг такрорланиши кузатилади. Султон Жалолиддиннинг изи қолган манзиллардан эрк истагида ёниб Амир Темур ҳам ўтган.

Мана, бир мисол.

Амир Темур Ҳиндистон сафари давомида (1398) Синд дарёси қирғоқларига яқинлашиб боради. Бу ҳақда тарихчи Шарафиддин Али Яздий шундай ёзади: "Соҳибқирон... Бонудин кўчуб, жумъа куни муҳаррам ойининг саккизинда (20.09) Синд суйига етиб тушди. Ва ўшул ердаким, Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ Чингиздин қочиб ўзини сувга ташлаб эрди, Чингизхон сувдин ўтмай қайтди, Соҳибқироннинг чодирини анда тиктилар". Бу жой ўша таҳликали 1221 йил 23 ноябрь куни Чингизхон аскарлари Жалолиддинга етиб олган ва муросасиз жанг бўлган Нилоб кечуви эди. Шу жойда уч кун ҳаёт-мамот кураши давом этади, кучлар тенг бўлмаган жангда Жалолиддин қўлга тушмай, дарёдан ўтиб кетади. Бу музаффар тарих, Чингизхондай тошюрак инсонни ҳам ҳайратга солган жасорат Амир Темурга маълум бўлмаслиги мумкин эмас эди. Узоқ аждоди, қолаверса, салафи (маслаги бир ўтмишдоши)нинг тақдирида ўчмас нуқта бўлиб қолган қирғоққа яқинлашар экан, Соҳибқирон бобомиз қандай кайфиятни кечирган, билмадик, лекин шу ўринда ўз дастхатини қолдиришга аҳд қилганини тарихчи шундай ифодалайди: "Ва ҳукм бўлдиким, "Синд суйиға кўфрук боғласунлар!" Бу қарор Жалолиддинга нажот берган сўқмоқдан авлодларга кенг йўл очилгани таъминланганига ишора эмасми?! "Ҳукм била Соҳибқироннинг черики икки кунда кўфрук боғладилар". Лашкарга яна икки кун дам берилади, албатта, хотирлаш тадбирлари ўтказилгандир ва Соҳибқирон шу ерда бир қанча элчиларни қабул қилади. 24 сентябрда янги кўприкдан ўтиб, лашкар чўлга етиб боради. "Ва ул чўл асру йироқ чўл турур ва ани Жалолий чўли дерлар, ул сабабдинким, Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ Чингизхондин қутилиб, сувдин кечиб, бу чўлға кириб халос бўлди", деб ёзилади Муҳаммад Али Бухорий таржима қилган "Зафарнома"да. Шунингдек, ҳазрат Соҳибқирон Ҳиндистондан қайтишда ҳам бу жойда тўхтаб (10 март), ўз ҳурматини изҳор этади: "Соҳибқирон келиб, кўфрукдин ўтуб, тушгача анда тушуб ўлтурди".

Неча юз йиллар олдин воқе бўлган бу саъй-ҳаракатлар орадаги вақт масофасини енгиб, бизга сассиз-садосиз гўзал тарихни сўзлайди. Табиатида қаҳрамонлик ва жасоратни қадрлаш ҳисси бўлган, ўзи ҳам қаҳрамонлик ва жасоратда тенгсиз зот умрнинг шиддатли лаҳзаларига гувоҳ бўлган заминда туриб, балки ўтган кунларни, озодликнинг машаққатли йўлларини кўз олдидан ўтказгандир, балки ўз аждодининг аянчли қисматини эслаб, умр мазмунини тарозига қўйгандир, бироқ бир нарса аниққи, ўша лаҳзаларда Соҳибқироннинг тафаккурида ва тасаввурида Жалолиддин тимсоли пайдо бўлган, у билан хаёлан учрашган, балки бу дийдорлашув ўзаро розиризолик кайфиятида ўтгандир, балки Султон ўз халафи (ўринбосар янги авлоди) Амирга Турон заминининг шуҳратини янада юксалтириш йўлида ўз истакларини изҳор қилгандир... Нима бўлганда ҳам шундай руҳдаги мулоқот бўлиб ўтганига кишининг ишонгиси келади. Зеро, Амир Темур тузган салтанат теран илдизга асосланган эди, унда Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна сингари Туронзаминнинг шерюрак баҳодирлари орзу қилган эрк ва озодлик руҳи мужассам эди. Ана шундай руҳ амалда пароканда бўлиб кетган давлатнинг тимсолига айланган Султон Жалолиддинга ўн йиллар давомида куч бериб турди ва озодлик йўлида сўнгги нафасигача курашди. У 33 йил умр кўрди. Ўз мақсади йўлида қаттиқ жидду жаҳд қилган бўлсада, унга толе кулиб боқмади. Балки Салжуқийлар билан зиддияти, ўз қондошлари билан тил топиша олмагани уни номурод этгандир. Соҳибқирон Амир Темур эса бу таҳликали кунларга чек қўя олди. Ватанни озод этиб, унда 35 йил музаффарона ҳукмронлик қилди, шу даврда 27 мамлакатни бирлаштириб, улкан салтанат яратди. Бобомиз асослаган давлат қарийб олти аср тарих саҳнасида собит турди.

Ҳа, Синд дарёси, ундаги Нилоб кечуви (гузари) икки буюк саркарданинг мангу хотирасига ўхшайди. Кейинчалик бу йўллардан **Заҳириддин Муҳаммад Бобур** юрди. Инсон болаларига кўп-да насиб этавермайдиган фазилат эгаси — Эрк ва Озодликка қалби ташна бўлган Бобур ўз истаги йўлида "Ҳинд сари юзланар" экан, бу юртнинг қай бир гўшаларида ёвқур ватандошларининг изи қолганини биларди. Ўзининг машҳур асари — "Бобурнома"-да турли муносабат билан Синд дарёси (суйи)ни 15 ўринда қайд этиб ўтади: "Синд суйининг уч гузаридан ўтиб, бу йўллар била келурлар. Нилоб гузаридин ўтганлар", "Синд суйини ёқалаб, сув қуйига боқа кўчулди", "Қобул суви била Синд сувининг қотилишидин қуйироқ кўҳна Нилобдин юққорроқ...", "Карк... Синд суви жангалларида... қалин бўлур" каби ва бир рубоий:

Юз шукр де, Бобурки,
кариму ғаффор
Берди сенга Синду
Ҳинду мулки бисёр.
Иссиқлиғига гар санга
йўқтур тоқат,
Совуқ юзини кўрай десанг
Ғазни бор.

Ҳам шукрона, ҳам изтироб ифодаланган бу рубоий Бобурнинг Ватан соғинчи ила ёзилган дардли шеърларидан бир намуна, Бобур ўз ижоди, ватанпарварлиги билан халқимизники, озод юртимизникидир. Бу ҳуқуқни бизга аждодларимиз минг йиллар оша орзу қилиб келган Мустақиллик хатлаб берди. Истиқлол кўплаб қадриятлар қатори халқимизнинг буюк фарзандлари қадрини жойига қўйди. Агар бир замонлар уларнинг номини тилга олиш ҳам тақиқланган бўлса, мустақил юртда уларга муҳташам ҳайкаллар тикланди. Юртбошимизнинг ташаббуси билан Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги, Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, Бобур Мирзо таваллудининг 510 йиллиги халқаро доирада кенг нишонланди. Ватан озодлигидек буюк ҳикмат кўплаб шарафли аждодларимиз қатори тақдири бир-бирига анча ўхшаб кетадиган бу уч нафар бобомизнинг бошини ҳам бир жойга қовуштирди. Яна уларнинг чамбарчас барҳаёт руҳи озод юртимиз ҳудудларини ҳам ягона жисм сингари бирлаштириб турганга ўхшайди: агар Жалолиддин Мангуберди ғарбий ҳудудларимиз рамзи бўлса, Бобур Мирзо шахсида шарқий вилоятларимиз мужассамлашган, Соҳибқирон Амир Темур эса бу яхлит асарнинг қалбини ташкил этади.

Ҳаким САТТОРИЙ

ОҒРИҚ

Бахт қадри

Кўпчиликни ана шу савол қийнайди. Ва яна ўша кўпчиликнинг ўзи уни ўз эҳтиёжларига қараб фараз қилади. Камбағалга бойлик, ташнага бир қултум сув, ошиққа эса гўзал қизнинг висоли энг тугал бахтдир. Аммо дунё цивилизация бешигини тебратган буюк алломаларнинг фикри деярли бир хил. Улар соғликни ўша кўпчилик бахт деб ўйлайдиган нарсаларнинг ибтидосидир, дейдилар. Соғлик бўлмаса қолгани бекор.

Лекин аксарият ҳолларда буни тезда англаб етавермаймиз ҳам. Чунки ҳар бир нарсанинг қадри доимо кечикиб келади. Яқинда бир дўстим арзимас муаммоларга ўралашиб, хунобим чиқиб юрганимни кўрди-да, дабдурустдан юр, бир жойга бориб келайлик, деб қолди. Ўртоғим билан пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида жойлашган 1-болалар "Мурувват" уйида бўлдик. У ерда кўрганларимиз бир умр хотирамизда муҳрланиб қолиши аниқ. Бирининг калласи даҳшатли тарзда катта (ўртача катталикдаги тарвуздай), иккинчисиники кичкина ҳандалакча келадиган, оёқ-қўллари қуруқ чўпдан фарқ қилмайдиган «18 ёшли чақалоқ»ни кўрганда кимнинг ҳам юраги бир қалқиб тушмайди, дейсиз?!

Мазкур даргоҳга тез-тез университет ва коллеж талабалари, мактаб ўқувчилари ҳам дарс соатлари давомида ўқитувчилари бошчилигида келиб туришар экан. Мақсад эса битта — ҳаётнинг бешафқат қонунларидан етарлича сабоқ олиш, яъни ичкиликка, наркотик моддаларга, бемаъни қилғиликларга ружу қўйишларини бундай фарзандлар дунёга келишининг асосий сабабидир. Шунинг учун бугун пул топиш илинжида ҳаётнинг арзимас ташвишларига бутун инон-ихтиёрлари билан шўнғиб кетган ота-оналар фарзандларининг соғлом туғилиши ҳамда оқил инсон бўлиб тарбияланишлари учун масъул эканликларини унутмасликлари лозим. Юз бериши мумкин бўлган хатолар оқибатини олдиндан билиш (балки кўриш) эртамизнинг биз орзу қилган кун бўлишига замин яратади.

Мадомики, фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлар экан, соғликнинг қадрига етайлик, азизлар!

Иномжон АБДИЕВ,
журналист.



КУЗАТУВ

Сарлавҳа матннинг гултожи, ижоднинг мунаввар кўзгуси ҳисобланади. Бу кўзгуда журналистнинг ижодий маҳорати, қобилияти акс этиб туради. Шундай экан, мақолага сарлавҳа танлаш санъатини эгаллаш ҳар бир қалам аҳли, ҳар бир журналист учун ўта муҳимдир. Хўш, айни пайтда матбуотда сарлавҳа танлашга қай даражада эътибор қаратилмоқда?

Сарлавҳа санъати

Муштарийларнинг кўпчилиги аввало газетанинг сарлавҳасига қараб мақола мутолаа қилиши сир эмас. Кузатувларга қарағанда, «Айтар сўзинг — либосинг», «Пайпоқ ичида заҳар», «Оёқ чиқарган дўконлар», «Туя гўшти еган ариза», «Маҳорат майдонда синалади», «Умр оқар дарё» сингари халқимизнинг ҳаётий тажрибаси мужассамлашган мақол ва маталлардан, ҳикматли сўзлардан тузилган сарлавҳалар кўпроқ муштарийлар қалбига сингиб бораркан. Аммо масаланинг энг чигал томони шундаки, кейинги пайтда «кўча» газеталарида сийқаси чиққан сўзларни ўқиб, шууримиз хира тортади. Айниқса, баъзи журналистлар мақолаларининг ўқишли чиқиши учун халқ мақолларини, ҳикматларини билиб-билмай бузиб сарлавҳага чиқариши шубҳасиз муштарийларга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Матбуотда сарлавҳа қўйишда савод масаласи жуда муҳим. Бу аксар республика газеталарида йўлга қўйилган, аммо вилоят ва

туман газеталарида ҳали-ҳануз бунга эътибор берилмаяпти. Уларда ҳамон минг бор "чайналган", сийқаси чиққан "Парвариш авжида", "Гайрат-шижоат билан", "Деҳқон бўлсанг шудгор қил", "Пахта очилди" сингари сарлавҳали мақолаларга кўз тушади. Хўш, шундай номланувчи "долзарб" мақолаларни бугунги муштарийнинг ўқигиси келадими? Йўқ, албатта. Шунинг учун ҳар бир журналист ўз ўқувчисига айтадиган биринчи сўзи ҳам айнан сарлавҳадан бошланишини юракдан ҳис этса, фойдадан холи бўлмасди.

Шаҳло АБДУРАҲМОНОВА

МУШОҲАДА

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИ

“Пахта банк”:
Мақсад — сифатли хизмат кўрсатиш

Бугунги ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизни банклар фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки жисмоний ва юридик шахслар бўлишидан қатъи назар, уларнинг эртанги ҳаёти ва фаолиятлари давомида банкларнинг ўрни катта. Мамлакатимиз Президентининг 2007 йил 12 июлдаги “Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши эса биринчи навбатда ана шу мақсадларни назарда тутди.

Шулардан келиб чиқиб, пойтахтимизнинг Бектемир тумани “Пахта банк” бўлими томонидан нақд пул тушумини кўпайтириш, Марказий банкдан олинаётган мадад пулларини кескин қисқартириш, қонуний тўловларни ўз вақтида нақд пул билан таъминлаш ва мижозлар сонини янада оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

— Бунинг натижасида мижозларнинг банкимизга бўлган ишончи тобора мустаҳкамланиб, уларнинг сони ортиб боришига хизмат қилмоқда, — дейди биз билан суҳбатда мазкур банк раҳбари Шуҳрат Бўтаев. — Биргина шу йилнинг март ойида 40 дан зиёд ширкат хўжаликлари ва бошқа янги ташкил этилган ташкилотлар банкимиз мижозига айланди. Пировардида йил бошидан ҳозирги кунгача бўлган нақд пул тушуми миқдори 30 фоиз ортишига эришилди. Бу кўрсаткич 2007 йилнинг иккинчи ярим йиллигида ўтган олти ойга нисбатан 73,5 фоизга ошганди. Шу тариқа банк иқтисодий имкониятлари тобора кенгайишига пухта замин яратди. Шу билан бирга мамлакатимиз Президентининг шу йилнинг 20 февралдаги “Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида нақд пул муомаласини янада мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги депозит ҳисобварақларидаги нақд пулларни узлуксиз бериб борилишини таъминлаш ҳамда банкдан ташқари айланмадаги нақд пулларни қисқартириш, савдо ва пуллик хизматни ривожлантириш борасида ҳам эътибор-ли ишлар амалга оширилмоқда.

— Албатта, буларнинг барчаси ўз-ўзидан амалга ошиб қолгани йўқ, — деб сўзида давом этади Ш.Бўтаев. — Чунки бу ерда ўз касбини пухта эгаллаган ва катта тажриба тўплаган ёшлар фаолият кўрсатишади. Уларнинг бевосита саъй-ҳаракати ва Республика “Пахта банк” бошқарув раҳбариятининг амалий ёрдами ва маслаҳатлари туфайли ана шундай юқори кўрсаткичларга эришилмоқда.

Айни пайтда бу ерда мижозлар учун деярли барча шароитлар яратилган. Банк хизмати ходимлари томонидан уларнинг мурожаатлари қисқа муддатларда ҳал этиб борилмоқда. Шу ишларнинг самараси натижасида юқорида тилга олинган кўрсаткичларга эришилмоқда.

Ислом СУЛТОНОВ Ⓡ

ЎЗЛИК

Яқин ўтмиш сабоқлари

Бугун ёшлар онгида қандай ўй-хаёллар кечяпти? Улар Ватан ва миллат, маънавият ва миллий қадрият тушунчаларини қандай идрок этадилар?

«Ёшлар йили»га бағишланиб турли тадбирлар ўтказилаётганлиги, янги иш ўринлари ташкил этиш, ўқиш, илм олиш, касб маҳоратини ошириш, ташаббусни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида ёшларга алоҳида диққат-эътибор берилаётганлиги, уларга турли имтиёз ва қулайликлар яратилаётганлиги — буларнинг ҳаммаси яхши, албатта. Шу билан бирга, ёшлар орасида ҳам, катталар орасида ҳам баъзан бугунги куннинг қадрини тўла англамаслик ҳоллари мавжуд. Айниқса, ёшлар орасида ўзгаларнинг турмуш тарзига ҳамда сунъий равишда ўйлаб топилган қадриятларига ҳавас билан тақлид қилувчиларни кўриб ҳайратланасиз. Улар ўз миллий анъана ва қадриятларимизда, миллий маънавият ва мафкурамизда, миллий ғоя ва турмуш тарзимизда яширинган муқаддасликнинг, улуғворликнинг, мўътабарликнинг моҳиятини етарли даражада англаб етишмайди. Энг ачинарлиси, бу муқаддасликни сақлаш йўлида чекилган азобларни билиш зарур. Узоқ ўтмиш эмас, ҳеч бўлмаса мустақиллик арафасида мустамлака мамлакатимизда бу борада юзага келган қалтис вазиятни миллий давлатчилигимизни ҳамда миллий қадриятларимизни мустаҳкамлаш ва янада ривож топтиришда эришган ютуқларимиз билан қиёслаб кўриш керак. Биз катталар бунинг Ёшлар йилидаги энг долзарб вазифалардан бири эканлигини унутмаслигимиз жоиз, албатта. Баъзан ёшларга “Яқин ўтмишда чойхона ва тўйхонага, дўппи ва чопонга, эътиқод ва никоҳга, тандир нон ва қатламага суиқасд уюштирилган”, десангиз, улар эҳтимол ишонмаслар. Айниқса, қайта қуриш йилларида ҳали норасида бўлган ҳамда ундан кейин туғилган ҳозирги йигит-қизлар сизнинг сўзингизни ҳақиқат эмас, гўё афсонадек қабул қилади.

Мен ҳаётий бир мисолни — бир воқеани қандай юз берган бўлса шундай ҳолича, яъни айнан ҳикоя қилиб бермоқчиман. Хулоса чиқариш эса ёшларнинг ўзларига ҳавола.

Собиқ иттифоқ даври Брежнев ва Суслов вафотидан сўнг собиқ империя янги қиёфада намоён бўлишга уриниб кўрди. Қайта қуриш даври бошланган йиллар эди. Мен ўша пайтлар “Сирдарё ҳақиқати” газетасида ишлардим. Кунларнинг бирида Гулистон шаҳрида Сирдарё вилоят партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унда биринчи котиб этиб «марказ»дан келган Александр Клепиков «сайланди». Ташқи кўринишидан майин ва мулойим, камтар ва камсуқум одамга ўхшайди.

— Бу одам вилоятимизга Егор Кузьмич Лигачевнинг топшириғи билан келган. Иккаласи бир жойдан, ҳатто бирга ишлашган, — деди менга пленумдан сўнг “Сирдарьинская правда” газетаси муҳаррири Зиновий Рибак ва қўшиб қўйди: — Миллийликни ёқтирмайди, ана энди қаттиқ тартиб ўрнатади.

Эртасига эрталаб ишга келсак, таҳририятда шовшув. Марказдан келган янги биринчи котиб ишни эрталаб иккита вилоят газетаси журналистлари билан учрашиб, суҳбатлашишдан бошлармиш, дейишди. “Сирдарё ҳақиқати”дагилар бунга ишонишмади.

— Бўлмағур гап, — дедим мен ҳам ишонмай, — шу ерда йигирма йил ишлаб, биринчи котиб тугул, ҳатто бизга бевосита “шеф” ҳисобланган учинчи котиб ҳам қадам босганини бирор марта кўрмаганмиз.

— Биз ҳам кўрмаганмиз, — дейишди ҳамкасблар.

Бир пайт кутилмаганда эрталаб соат ўнда Александр Клепиков “Сирдарё ҳақиқати”нинг мажлислар залига кириб келса бўладими?! Ҳамма ҳайрон... Шошиб залга кирдик.

— Ўртоқлар! — деди у биз журналистларга мурожаат этиб. — Мен бу ерга пахта билан, чорва билан, қурилиш ёки саноат билан шуғулланган келганим йўқ. Мен бу ерга вилоят аҳолисини мафкуравий жиҳатдан бутунлай қайта тарбиялаш, яъни одамларнинг онги ва тушунчасини янги талаблар асосида ўзгартириш учун келдим. Эртадан бошлаб ишни ҳар куни “Правда”ни бошдан-оёқ ўқиб чиқишдан бошлайсиз. Энди ота-боболарингдан қолган урф-одатларни эсдан чиқаринглар. Биз энди ҳар ойда мунтазам равишда учрашиб турамиз ва фельетон учун мавзуни сизларга ўзим бераман.

Тўғриси, ҳайратдан лол қолдик. Вилоятнинг мингта муаммоси бўла туриб, биринчи котиб ишни нега биздан бошлаганлигига дастлаб тушунмадик. Бир-биримизга маъноли қараб, энсамиз қотди. Бу матбуотга эътиборми, журналистларга эътиборми, биринчи котибнинг маданиятими ёки қайта қуришнинг шарофатими?! Хуллас, вазиятни ҳар ким ўзича талқин қилар эди.

Бироқ ҳаммамизни ёзилажак фельетонларнинг мавзулари қизиқтирарди. Биринчи котиб эса шошмасди. У бироз вақт Тошкентда ишлаб, бировлардан эшитганларини Кремлда олган топшириқлари билан уйғунлаштириб фикрлашга ҳаракат қилар экан, гоҳ чуқур ўйга толиб дераза томон тикилиб қолар, гоҳ тушида чўчиб уйғонган одамдек талмовсираб, айтадиган гапига ваҳимали тус берарди.

— Чойхона нималигини биласизларми? — деди у кутилмаганда овозини баландлатиб ва ўнг қўл кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб. — Бу —миллатчи ўзбеклар тўпланиб суҳбат қурадиган жой. Чойхоналарда зарарли ғоялар туғилади. Шунинг учун биз яқин орада Гулистон шаҳридаги ва вилоятнинг бошқа жойларидаги чойхоналарни ёпиб, уларнинг ўрнига кафе ва ресторанлар очамиз. Эшитмадим деманглар, бундан кейин барча ўзбек тўйлари маҳаллаларда эмас, ресторанларда ўтади. Энди ҳамма жойда чой эмас, шарбатлар сотилади. Чойхўрлар чойни кўчада эмас, уйларида ичишсин. Кўчада гўшт ҳам, сомса ҳам, тандир нон ҳам сотилмайди. Энди фақат дўконларда савдо қилинади. Сизлар ана шу жараённи изчил ёритиб берасизлар.

— Энди фельетонга келсак, — деди ниҳоят Клепиков, — биринчи бўлиб мулага никоҳ ўқитаётган келин-куёвларни ва уларнинг ота-оналарини, масжидга қатнайдиганларни ва диний маросимларни бажарадиганларни фельетон қиласизлар.

У сўзида давом этар экан, менга ишора қилиб деди:

— Бундан кейин дўппи кийган одам давлат идорасида ишлаши мумкин эмас. Ҳа, айтгандай, — у бош муҳаррирimizга юзланди, — рўмол ўраган аёллар ҳақида ҳам фельетон ёзинглар. Янаги сафар келгунимча ана шу айтганларим бўйича камида ўн-ўн бешта фельетон чиқсин, мен ҳисобот сўрайман. Кейинги мавзуларни эса яна бир ойдан сўнг учрашганимизда айтаман.

Биз тишни-тишга қўйиб, ўзимизни зўрға тийиб ўтирдик. Эътироз билдирсангиз, тамға босиб ишдан ҳайдашади. Бунинг устига мен дўппида, яна биринчи котибнинг шундоқ қаршисида ўтирибман. Бироқ ҳаммамиз миллий қадриятларимизни ҳамда эътиқодимизни ҳақоратлаб фельетон ёзиш миллатга хоинлик билан баробар эканлигини тушуниб турардик.

Клепиковнинг чойхона масаласида айтганларини изчил амалга ошира бошланди. Ишлаб турган чойхоналар ошхонага, кафега, буфетга айлантирилди. Ҳатто “Миллий ошхона” деган ёзув ҳам йўқ қилинди. Ошхоналарда миллий таомлар ўрнига европа таомлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Ҳаммаёқни чой ўрнига турли шарбатлар босиб кетди, ошхоналарда асосан кофелар тайёрланди. Тушунмаган одам “Бунинг нимаси ёмон”, дейиши мумкин. Гап шундаки, янги тартибдан кўзланган асосий мақсад миллий муҳитни, миллий ҳаётни, миллий қадриятни йўқ қилиш эди.

Биринчи котиб ҳар куни эрталаб шаҳарнинг битта кўчасини пиёда айланиб, бу ишнинг боришини шахсан ўзи назорат қиларди. Йиғилишларда гапирганида эса қайси кўчадаги кафе ёки буфетда қандай шарбат ичганини айтиб мақтаниб ҳам қўярди. Баъзи содда одамлар ҳамда хушомадгўйлар ўша пайтда унинг бу қилиғини камтарликка йўйишди.

Бозорларда, кўча ва гузарларда ўзбекнинг иссиқ тандир нонини сотишни тақиқлаб қўйишди. Ҳамма жойда булка, булочка, бутерброд, пирог, коржик сотиш йўлга қўйилди. Мабодо, у ер-бу ерда яширинча саватларда иссиқ тандир нон сотилгудек бўлса, милиционерлар нонни савати билан ағдариб ташларди. Бунга мен кўп марта гувоҳ бўлганман ва “Астағфурулоҳ!” деб ўзимни юпатганман. Қадоқланган кўлбола гўшт сотувчиларни уйларигача қувиб боришарди ва гўштларини тортиб олиб қўйишарди. Гўшт фақат дўконда музлатилган ҳолда сотилсин, деб топшириқ берди биринчи котиб. Афтидан, кимдир унга диндор қариялар дўконнинг гўштини емайди, деб уқтирган кўринарди. Ҳатто маҳаллий саноатдаги новвот ва парварда тайёрланадиган цехлар ҳам қайта жиҳозланиб, европа стандартидаги конфетлар ишлаб чиқаришга мослаштирилди...

Ўзи ваъда қилганидек, биринчи котиб бир ойдан сўнг яна газета таҳририятига ташриф буюрди. Ўша сохта мулойим қиёфа, ўша сохта майинлик, ўша идроксиз ақл-фаросат, ўша бошқаларни “тарбиялаш”га бўлган интилиш.

— Қани, мен айтган мавзулар бўйича ким қандай фельетон ёзди, ўрнидан турсин-чи?! — Биринчи котиб шундай деб залга нигоҳ ташлади. Ҳеч ким миқ этмади, ўрнидан ҳам турмади.

— Бундай аҳволда сизлар билан бирга ишлай олмаймиз, — деди у зардали оҳангда ва қовоқ уйиб сўзида давом этди:

— Кечаги “Правда”ни ким ўқиди?

— Ҳамма ўқиди, — деди бош муҳаррирimiz.

Кейинги яна бир учрашувда биринчи котиб биз журналистларга минбарга чиққанида ҳамма учун тушунарли бўлган тилда гапира олмаган бир “миллатчи” зоотехник ҳақида, ёшлар слётига дўппи кийиб келган бир комсомол етакчиси тўғрисида, экин экилган майдонга сув тошиб кетганида, шунга йўл қўйган миллатдошининг номини айтмаган бир сувчи ҳақида, уйланганида муллага бориб никоҳ ўқитган бир қурувчи-инженер ҳақида, рўза кунларида кундузи овқат емаган “тарбиясиз” ўқитувчи тўғрисида ва, албатта, ҳар куни “Правда”ни ўқиб бормайдиган зиёлилар ҳақида фельетонлар ёзишни топширди.

Ана энди бир тасаввур қилиб кўринг: агар мустақиллик бўлмай, ўша жараён давом этганида ҳозир биз ким бўлиб, қандай аҳволга тушган бўлардик?!

Аммо ўша пайтда орамизда иродасиз ҳамкасблар ҳам топилди. Эсимда бор: бир ҳамкасбим “Кўк қўчқор нега сўйилмади?” сарлавҳали фельетон ёзиб, унда қурбонлик учун қўчқор боққан бир деҳқонни танқид қилган эди, тез кунда ўзининг учта қўйи ҳаром ўлиб қолди. Бу бўлган воқеа! Бошқа бир ҳамкасбим 30-йилларда отаси масжидни бузганлиги ҳақида фахрланиб ёзган эди, тез кунда ўзи поезддан йиқилиб, бир қўл ва бир оёғи синганлиги оқибатида ногирон бўлиб қолди. Бу ҳам ҳақиқат!

Ўша даврни ҳеч қачон унутиб бўлмайди. Агар биз ўз миллий қадриятларимизни — анъана ва урф-одатларимизни, иймон-эътиқодимизни, маънавиятимизни камситиб, ҳақоратлаб ёзаверганимизда, аввало, Аллоҳ бизни кечирмасди, қолаверса, халқнинг нафратига йўлиқардик. Мустақиллик бизни хиёнатдан, гуноҳ ишлардан, мунофиқона хатти-ҳаракатлардан, диёнатсизликдан сақлаб қолди. Мустақиллик бизга ўзлигимизни англаш ва уюштирилган суиқасдни бартараф этиш учун имконият яратди. Мустақиллик миллатимизнинг, давлатимизнинг, халқимизнинг келажагини, ҳар биримизнинг эртанги кунимизни кафолатлаб берди. Мустақиллик бизга Тангрини таниш, Ватанни севиш, миллат билан фахрланиш, миллий ва маънавий қадриятларни қадрлаш имконини берди.

Ёшларга айтмоқчи бўлган айрим мулоҳазаларимиз шу эди.

Иброҳим НОРМАТОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Аслида ҳар бир киши ўзича бир дунё. Лекин биз ҳикоя қилмоқчи бўлган инсон бошқаларга умуман ўхшамайди. Айтайлик, сиз кексалик нафақасидан воз кечган одам ҳақида эшитганмисиз, ёки азиз жонига оғир касаллик таҳдид солиб турган энг қалтис лаҳзаларда ҳам биротага зорланмаган инсонни-чи? Бизнинг қаҳрамонимиз ана шундай киши.

Бошқаларга ўхшамаган киши

Пойтахтимизнинг Қоратош маҳалласидаги анча йиллар бурун бунёд этилган уйлар қаторида Абдуқаҳҳор Қодировнинг ҳам отамерос бошпанаси бор. Отахон ўн-ўн икки ёшлигида қуйган катта-кичик бир дунё ғиштлар уйнинг эски деворлари қатига терилган. Шундан буён 55 йил ўтибди. Болалигидан ўз уйини ўзи тиклашга уринган ўспирин кейинчалик ота бўлганида ҳам, аспирант, ўқитувчи, мактаб директори бўлиб ишлаганларида ҳам, ниҳоят, бобога айланиб, тиззасидан неваралари тушмайдиган чоғда ҳам ўз дунёси, ўз қарашларига содиқ қолди.

Келинг, шу инсон ҳаётининг уч муҳим воқеасига нигоҳ ташлайлик.

Биринчиси, талаба бўлиш билан боғлиқ кечинмалар... Уч оғайни бирга Тошкент давлат политехника институтига ўқишга киришга аҳд қилишади. Тақдир тақозоси билан Абдуқаҳҳор ака билан яна бир йигит имтиҳонлардан ўтиб, учинчилари ўтолмай қолади. Битта жойда ўқишни ният қилган учала оғайни, зудлик билан яна ҳужжатларини қайтариб олиб, Низомий номидаги педагогика институтига топширишади, тақдир кулиб, бу гал учовлари ҳам қабул қилинади. Қаранг, дўстлик учун қанчалик фидойилик-а! Ҳозир бу каби ҳолатлар балки бироз эриш туюлар, аммо қаҳрамонимиз учун бу шунчаки, ўз сўзига, биродарига содиқликнинг бир кўриниши эди, холос.

Иккинчи воқеа аспирантурада ўқиб юрган пайтлари содир бўлган. Шўро тузумининг айни "оғзи мойга ботган" йиллари. Олий математика мавзусига оид ҳимоя иши тайёр. Уни тасдиқлаш учун Москвадаги катта остоналарга қатнайвериб чарчаган А. Қодиров, ногаҳон ўша баланд уйлардаги носоғлом илмий муҳитдан ўзини бўғилаётгандай ҳис қилади. “Илм йўлида йиллаб тортган заҳматларим, наҳот шу “маърифат пешволари”нинг фотиҳасига муштоқ бўлса! Ундан кўра мактабда ишлаганим дуруст эмасми?”, деган ўйлар билан юртига қайтади. Тошкент халқ хўжалиги институтида ўқитувчилик қила бошлайди. Аммо кўп ўтмай, у бу ерда ҳам тақдирнинг аччиқ синовига дуч келади. Ўша пайтдаги институтнинг раҳбарларидан бири ёзда Сочига дам олишга кетишидан олдин Қодировнинг қўлига ўша йил институтга қабул қилиниши лозим бўлган абитуриентлар рўйхатини тутади. Қаҳҳор ака уларни ўқишга тайёрлаб, имтиҳонлардан ўтишларига астойдил ёрдам беради. Аммо раҳбар бундан рози бўлмайди. Қодировни ўша студентларни стипендияга илинтиришда жонбозлик кўрсатмаганликда айблайди. Шу тариқа ўқитувчининг насибаси у ердан ҳам узилиб, ўзи ўқиган ўрта мактабдан кўним топади.

Биз сизга илинган сўнгги воқеа қаҳрамонимизнинг саломатлиги билан боғлиқ. Абдуқаҳҳор ака 50 ёшларга кирганида соғлиғи ёмонлашади. Шифокорлар хасталик унинг бош миясидалигини маълум қилишиб, иш фаолиятини қисқартиришни, унга тинч турмуш тарзини тавсия қилишади. Шу тариқа Абдуқаҳҳор Қодиров ўзига тегишли каттагина томорқаси ишларига андармон бўлиб қолади. Бир куни нафақа пулини олишга борганида, алоқа бўлимида навбатда турган беморларни, жисми заиф ногиронларни кўриб, ноқулай аҳволга тушади. Гўё навбатда турган ногиронлар юриш-туриши бинойидай, кўриниши ҳали бақувват Абдуқаҳҳор акага ғалати қараб, “Ҳалитдан нафақага даъвогар чиқишга уялмадингми?” деяётгандай туюлаверади. У секин навбатдан сирғалиб чиқади, шу кетганича, почта эшигига бошқа яқин йўламайди. Йўл-йўлакай Яратганга: “Эй, Парвардигор! Ёшим ўтиб хасталансам, мени давлат боқсин, демагандимку. Ўзингдан нажот сўраганман ҳамиша. Ҳар қандай ризқни йўқ жойдан ўзинг етказдиргувчисан! Менга соғлиқ бер”, деб илтижо қилади.

Парвардигорнинг инояти билан кўп ўтмай, Абдуқаҳҳор ака тузалиб кетади. Бироқ бирин-кетин катта бўлаётган саккиз ўғил-қиз, рафиқаси Дилором ая отахонни бошқа ишлатишмади. Абдуқаҳҳор Қодировга хўжалик,томорқа, тоат-ибодат, китоб мутолааси билан машғуллик янгитдан руҳ бағишлади. У азалдан китоб ўқишни яхши кўради. Ўқиган китобларини болалари билан муҳокама қилади. Фарзандлари маънан юксалиб, эркин ўсдилар, ўқидилар. Ота уларнинг бошларини икки қилди. Ўғил-қизларнинг феъл-атвори, юриш-туришларини кўриб, отадаги эркин руҳ, ҳалоллик, эзгуликка интилиш хусусиятлари шундоққина болаларга кўчиб ўтган дейсиз. Ҳозир Қодировлар оиласи пойтахтимизнинг Тарнов маҳалласидаги ибратли хонадонлардан бири ҳисобланади.

Мамлакат НОРМУРОДОВА,
«Ҳуррият» мухбири. Ⓡ

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ТАБИАТ ВА ИНСОН

Давр **огоҳликка** чорлайди

Маълумки, курраи заминимизда экологик муаммолар жиддий ташвиш уйғотиб турган бир даврда яшамоқдамиз. Чексиз-чегарасиз табиий офатлар, инсониятнинг бевосита ўз иштироки билан юзага чиқаётган ўпирилишлар, ер ва сувнинг, ҳавонинг заҳарланиши оқибатида ҳаётимизга, келажак наслларимиз тақдирига таҳдид солиб турган турли хил касалликларнинг пайдо бўлиши бунинг исботидир.

Бироқ бизнинг юртимизда ана шу муаммоларнинг ечими учун доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинаётгани барча учун аниқ-равшандир. Шу жумладан, Фарғона вилоятида ҳам.

Вилоят ҳокимлигининг "Фарғона вилоятида 2006-2010 йилларда амалга ошириладиган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари дастури"га асосан, шаҳар ва туманларимизда ҳосил бўладиган маиший чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналарини лойиҳалаш ва қуриш ишлари давом этаяпти. Шунингдек, экологик муҳитга қатор йиллар давомида зарарли таъсир кўрсатиб келаётган бир қатор саноат корхоналаримизнинг бу борадаги "ўзбошимчалик"ларига чек қўйилди.

Жумладан, ўтган йилнинг ўзидаёқ кўмитамиз томонидан назоратга олинган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари тўла бажарилиб, 11 миллиард 850 миллион 752 минг сўмлик маблағ ўзлаштирилди. Бунинг натижасида атмосфера ҳавосига ташланаётган зарарли моддалар миқдори 421,14 тоннага камайди. Уч мингга яқин сув ҳисоблагич агрегатлар ўрнатилиб, 38 та насос станцияси мукаммал таъмирланди. Шу қаторда, Қувасойдаги "Кварц" корхонасида очиқ ҳавога чиқарилаётган зарарли моддалар заводида абсорбцион система вентиляторлари, чанг ушлагич қурилмалари янгиланди. "Қувасой-цемент" гигант корхонасида айланма печларнинг электр фильтрлари алмаштирилди. Олтиариқ ва Қўқон 1-пахта тозалаш заводларининг, эски Қўқон нефть базаси унитар корхонаси фаолиятининг тўхтатилиши ҳам атроф-муҳит мусаффолигини таъминлашга катта туртки бўлди. Шу ўринда атмосфера ҳавоси тозалигига эришишда ҳар йили мунтазам ўтказиб келинаётган "Тоза ҳаво" ойлиги тадбирлари ҳам яхши самаралар бераётганини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Назоратчиларимиз вақтивақти билан белгиланган тартибда рейдларга чиқиб туришади, мониторинглар ўтказишади, табиат муҳофазаси бўйича қонун бузилишларига йўл қўйган шахсларга нисбатан амалий чоралар белгилашади. Масалан, Қува туманидаги "Акбаробод", Бувайдадаги "Бўстон бува" ва Олтиариқнинг "Зилха" табиий бойликлари ҳудудларида, шунингдек, ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёси муҳофазаси бўйича ўтган йили ва жорий йилнинг биринчи чорагида ўтказилган рейдлар натижасида кўплаб қонунбузарлик ҳоллари аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди. Компенсация тўловларини ўз муддатида бажармаган 45 та ташкилотдан жами 31 миллион 65 минг сўм жарима ундириш даъвоси вилоят хўжалик судига чиқарилди. Шундан ҳозирча 31 та қонунбузарлик ҳолати кўриб чиқилиб, 20 миллион 421 минг сўмлик жаримани ундириш ижрога қаратилди.

Корхоналар ва ташкилотларнинг бўш майдонлари ҳамда ҳудуд атрофларига мевали, манзарали дарахтлар, турли хилдаги гул кўчатлари экилмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 сентябрдаги 186-сонли "Япон сафораси ва каштан дарахти кўчатлари экишни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида вилоятда кенг кўламли ишлар бошлаб юборилган.

Шунингдек, инсон ва ҳайвонлар учун хавфсиз бўлган пестицитларни қўллаган ҳолда ўсимликларни ҳимоя қилишнинг интеграллашган тизимини жорий этиш, барча экин майдонларини қишлоқ хўжалиги зараркунандаларидан ҳимоя қилишни биологик моддалар билан таъминловчи биолабораториялар ҳамда биофабрикаларни яратиш, энтомология хизматларини кучайтиришга доир чора-тадбирлар ҳам жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

Вилоят аҳолиси ўртасида экологик билим ва маданиятни янада чуқурлаштириш мақсадида "Энг обод маҳалла", "Энг покиза хонадон" каби кўрик-танловларнинг ташкил этилгани ҳам қувонарлидир. Бу тадбирларда вилоятимизнинг 900 дан зиёд маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаол иштирок этмоқда.

Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда ишлаш қўмита раҳбариятининг доимий диққат марказида туради. Ҳар йили Халқаро сув куни, Халқаро ер куни, Умумжаҳон атроф-муҳитни ҳимоя қилиш куни, Халқаро озон қатлами муҳофазаси куни каби муҳим саналарга, шунингдек, жойларда дов-дарахтларнинг ноқонуний кесилишига, балиқларнинг урчиш муддатларида овламоқчи бўлган браконьерларни фош этишга бағишланган мақолалар ва телекўрсатувлар ижобий самара бермоқда.

Экологик тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини ошириб бориш мақсадида жорий йилнинг январидан бошлаб қўмитамиз муассислигида "Фарғона табиати" деб номланган ўз газетамиз чиқа бошлагани эса нур устига нур бўлди.

Муҳтарам Юртбошимиз ибораси билан айтганда, Фарғона нафақат Ўзбекистоннинг, балки Марказий Осиёнинг марваридидир. Бу юксак ва ҳаққоний тавсиф биз, фарғоналикларда чуқур ифтихор ҳис-туйғусини уйғотиб туради.

Бу туйғулар бизни ана шу азиз ва мўътабар заминни, унинг беназир гўзал табиатини ҳамиша севиш ҳамда ардоқлашга, кўз қорачиғидек асраш ва бойитиб боришга ундайди. Зеро, барчамизнинг келажак ҳаётимиз, иқболимиз ва эзгу орзу-ниятларимиз инкишофи бизга Аллоҳ инъом этган шу буюк ва муқаддас неъмат барҳаётлиги билан кўп жиҳатдан боғликдир.

Шу боис юқорида қайд этилган, амалга оширилган ва оширилаётган ишларимиз экологик муаммолар кўламининг бағоят кенглигини ҳисобга олганда, биз учун таскин ва хотиржамлик бағишламайди. Олдинда жуда кўп ва ғоят масъулиятли вазифалар турганлигини ҳамиша ҳис этиб борамиз.

Маҳаматмусо БОБОХЎЖАЕВ,
Фарғона вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси ўринбосари. ®

ЭСТОН ЧЕГАРАСИДА ЖАНГОВАР ШАЙЛИК

Эстония давлат чегараларини кўриқлаш департаменти Россия билан чегарадош ҳудудларда назоратни кучайтиришга қарор қилди. Бунга кўра, эстон чегарачилари икки ҳафта давомида жанговар шай ҳолатда фаолият юритадилар. Департамент ўз қарорини қўшни давлатда май байрами яқинлашиб келаётгани билан изоҳлаган.

Ташкилот матбуот котиби Кийн Рийннинг маълум қилишича, назоратни кучайтириш чегарадан ўтаётган фуқароларни текшириш мураккаблашувини англатмайди. Бу чегара ҳудудларидаги ҳарбий кучлар миқдори ошишини билдиради, холос.

Чегарада жанговар ҳолатнинг кучайтирилгани бронза аскар ёдгорлиги билан боғлиқ можароларга роппароса бир йил тўлган бир пайтга тўғри келгани тасодиф эмас.

2007 йил апрелда Эстония пойтахти Таллиндаги совет аскарига қўйилган ёдгорликнинг кўчирилиши норозилик чиқишларига сабаб бўлган эди. Бу ҳаракат расмий Москва томонидан ҳам кескин қабул қилинганди. Норозилик чиқишлари пайтида мингга яқин киши қўлга олинган.

ЗИМБАБВЕ: МУХОЛИФАТГА ҚАРШИ ЙИРИК АМАЛИЁТ

Зимбабве полицияси амалдаги ҳукуматга қарши бўлган сиёсий гуруҳларни қўлга олиш бўйича операция ўтказди. Хусусан, Демократик ўзгаришлар учун ҳаракати (MDC) қароргоҳида бир куннинг ўзида 215 киши ҳибсга олинди.

Амалиётда юздан зиёд полициячи иштирок этган. Мухолиф партиянинг мамлакат пойтахти Хараредаги қароргоҳида амалга оширилган операция чоғида сиёсий ҳаракатга қарашли компьютерлар мусодара қилинган.

Хабарларга қараганда, қамоққа олинган фуқаролар Зимбабведа амалга оширилган сиёсий жиноятларда иштирок этишда гумон қилиняпти. Полиция вакилининг маълум қилишича, бундан бир неча кун олдин мамлакат президенти Роберт Мугабега қарашли иншоот номаълум кишилар томонидан ёқиб юборилган. Полиция тахминига кўра, буни амалга оширганлар MDC сиёсий гуруҳи қароргоҳига яширинган.

Кузатувчиларнинг таъкидлашича, мухолиф ҳаракат ва амалдаги ҳукумат ўртасидаги ихтилофнинг кучайишига жорий йил 29 мартда ўтган президентлик ва парламент сайлови сабаб

бўлган. Марказий сайлов комиссияси маълумотига кўра, парламент сайловида демократлар ғалаба қозонган. Президент сайлови натижалари эса ҳалигача ошкор этилмади. Расмий хабарларга кўра, демократлар етакчиси Морган Тсвангираи ғалаба қозониш учун иккинчи турда амалдаги давлат раҳбари Роберт Мугабе билан курашиши керак. Мухолифат эса расмий ҳукуматни сайлов натижаларини сохталаштиришда айбламоқда.

НАПОЛЕОННИНГ СТОЛИ КИМОШДИГА ҚЎЙИЛДИ

Машҳур француз императори Наполеон Бонапарт фойдаланган стол Christie's кимошди марказида 96,5 минг фунт стерлинг (салкам 192 минг доллар)га сотилди, деб ёзади The Times газетаси. Мебелнинг бошланғич баҳоси уч минг фунт этиб белгиланган эди.

Мазкур стол таниқли уста Жорж Баллок томонидан 1816 йили Наполеон Longwood House қароргоҳида фойдаланиши учун ясалган. Ўша пайтда унинг нархи 3 фунтдан ошиқроқ эди. 1821 йилнинг 5 майида — Наполеон ўлимидан кейин ушбу стол ҳам императорга тегишли бошқа мебеллар қатори сотиб юборилган.

Маълум бўлишича, Наполеоннинг хос хонасида турган стол устига хушбўй гиёҳлар аралаштирилган шам қўйилган. Мебелда шам қолдиқлари ҳозирга қадар сақланиб қолган. Мутахассисларнинг айтишича, ушбу қолдиқлар Наполеондан қолган из сифатида стол баҳосининг бу қадар кўтарилиб кетишига сабаб бўлган.



ҲИНДИСТОН УЧУН КУТИЛМАГАН ТАКЛИФ

Европанинг EADS концерни Ҳиндистонни Typhoon қирувчи самолётларини ишлаб чиқаришда ҳамкорлик қилишга чақирди. Кутилмаган ташаббус Германиянинг Деҳлидаги элчиси томонидан илгари сурилди. Бунга кўра, Ҳиндистон ҳам янги авлод самолётлари ишлаб чиқарувчи корпорацияси фаолиятида тенг ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок этиши мумкин. Бу эса Ҳиндистон ҳамда Европа Иттифоқининг стратегик соҳадаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаши кутилмоқда.

EADS томонидан илгари сурилган ташаббусни аксарият таҳлилчилар мамлакатнинг яқин йиллардаги йирик хариди билан боғлашмоқда. Гап шундаки, Ҳиндистон ҳаво кучлари 126 та қирувчи самолёт сотиб олишни режалаштирмоқда.

Ўн миллиард АҚШ доллари миқдоридаги ушбу йирик битим учун концерндан ташқари Росссиянинг РСК "МиГ", Франциянинг Dassault Aviation, Швециянинг SAAB, Американинг Boeing ҳамда Lockheed Martin компаниялари даъвогарлик қилмоқда.

Мутахассислар Россия тендерда ғалаба қозониш учун яхши имкониятга эга эканини таъкидламоқдалар. Ҳиндистон қурол бозоридаги энг йирик экспортёр бўлган давлат билан яқинда МиГ-35 самолётларининг янги авлодини биргаликда ишлаб чиқариш бўйича битим имзолаган.

КЕЛИШОЛМАГАНИ САБАБЛИ...

Аргентина иқтисодиёт вазири Мартин Лусто истеъфога чиқди. Бўшаб қолган вазирлик курсини солиқ идораси раҳбари Карлос Фернандес эгаллаши кутилмоқда.

Беш ойга яқин иқтисодиёт вазири лавозимида фаолият юритган Мартин Лустонинг ишдан кетишига мамлакат президенти Кристина Фернандес де Киршнер хоним билан чиқиша олмагани сабаб бўлган.

Айрим таҳлилчилар эса ушбу истеъфони Аргентина фермерларининг норозилик чиқишлари билан изоҳламоқдалар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлат божининг ошиши муносабати билан жорий йил мартда Аргентинада йирик норозилик акцияси ўтказилди. Бунинг натижасида дўконларда гўшт ва бошқа маҳсулотлар тақчиллиги юзага келди.

Аргентина дунёдаги иқтисодиёти энг барқарор ривожланаётган давлатлар сирасига киради. Сўнгги беш йил ичида мамлакат ялпи ишлаб чиқариш салоҳияти саккиз фоизга ўсди. Бу Бразилия ёки Россия каби давлатлар натижасидан ҳам яхшироқ кўрсаткичдир.

Лотин Америкаси давлатида ўтган йилдан бери Кристина Фернандес президентлик қиляпти. Бунга қадар эса унинг турмуш ўртоғи Нестор Киршнер давлат раҳбари вазифасини бажарган эди.

APPLEНИНГ ИШЛАРИ ЁМОНМАС

Apple компанияси жорий йилнинг дастлабки уч ойида даромадларини 36 фоизга оширишга эришди. Компаниянинг чораклик даромади 1,05 миллиард долларни ташкил этди. Ўтган йилнинг ушбу муддатида мазкур кўрсаткич 770 миллион долларга тўғри келганди.

Компания вакилининг маълум қилишича, ҳисобот даврида Apple 10,6 миллион дона iPod плеер, 1,7 миллион iPhone ва 2,3 миллион компьютер, жумладан, ноутбук сотишга муваффақ бўлди. Appleнинг молиявий директори Питер Оппенхаймер келгуси чоракда ҳам молиявий натижаларни яхшилаш ҳамда даромадларни яна оширишга эътибор қаратилишини маълум қилган.

ТАФСИЛОТ

Ишонган тоғда кийик ётмас

АҚШ фуқароси Исроилга жосуслик қилишда айбланиб терговга жалб этилди

Бундан йигирма йилча муқаддам – 1987 йили АҚШ ҳарбий денгиз кучлари разведка хизмати ходими Жонатан Поллард Исроил фойдасига жосусликда айбланиб умрбод озодликдан маҳрум этилган эди. Бу орада салкам чорак аср вақт ўтди. АҚШ ва Исроил яқин сиёсий иттифоқчига айланди. Халқаро сиёсатда дўстона муносабатларга эга бўлган икки давлат биродар мамлакат деб эътироф этила бошлади. Исроил расмийлари ҳам океанортилик иттифоқчиларига қарши жосусликни аллақачон тўхтатганларини бир неча қайта маълум қилишди. Бироқ яқинда фош этилган бошқа бир жиноят ушбу даъволарни йўққа чиқарди. Энг қизиғи, бу ҳодиса ҳам Жонатан Поллард иши билан боғлиқ бўлиб чиқди...

Ўтган ҳафта АҚШ армиясининг собиқ муҳандис-механиги Бен-ами Кадиш давлатга хиёнатда айбланиб ҳибсга олинди. Қўшма Штатлар фуқароси бўлган муҳандис Дувр (Нью-Жерси штати) шаҳрида жойлашган янги қуролларни ишлаб чиқиш марказида ишлаган. У Исроил давлатига ҳарбий сир саналган ахборотларни етказишда айбланмоқда.

Тергов хулосасига кўра, 1979-1985 йиллар давомида у Нью-Йоркдаги Исроил консуллигининг илмий фаолият бўйича атташеси Йозеф Ягурга бир қанча муҳим махфий маълумотларни етказган. Исроил разведкасида қизиқиш уйғотган маълумотлар АҚШнинг ядро қуроли, F-15 қирувчи самолётларининг янги модификацияси, "Пэтриот" зенит-ракета мажмуасига тааллуқли бўлган.

Федерал қидирув бюроси тахминича, бир муддат Исроил авиакосмик корпорациясида ишлаган Йозеф Ягур разведка хизматининг етакчи вакилларидан бўлган. У Бен-ами Кадишдан маълумотларни жуда осон усулда қабул қилган. Келишувга кўра, Кадиш махфий маълумотларни ўз уйига олиб келган. Исроил разведкаси вакили эса ҳужжатлар фотонусхасини олгач, қайтариб берган.

84 ёшга кирган Бен-ами Кадиш сўроқ пайтида жосуслик қилганини тан олган. Маҳбуснинг сўзларига кўра, у фақатгина Исроилга ташқи душманларга қарши курашда ёрдам бериш учун ушбу ишга қўл урган ва бунинг учун ҳеч қандай пул мукофоти ҳам олмаган. Исроил консуллиги ходими гарчи унга катта миқдорда пул бермаган бўлса-да, совғалар тақдим этган, шу билан бирга ресторанда меҳмон қилиб турган.

Тергов жараёнида Кадишни оғдирган разведкачи ва Жонатан Полларддан махфий маълумотларни олиб турган шахс айнан бир киши экани аниқланди.

Исроил консуллиги ходими 1985 йилнинг ноябрида – Ж. Поллард ҳибсга олинганидан кейиноқ АҚШни тарк этган ва шундан кейин бу ерга қайтмаган. Федерал қидирув бюроси маълумотига кўра, Йозеф Ягур яқин-яқингача ҳам ўз ҳамкори билан мулоқотда бўлиб турган. Сўнгги бор жорий йилнинг 20 мартида Кадишга кўнғироқ қилган Й. Ягур эски алоқаларни унутиш кераклигини айтган. Собиқ муҳандисга мабодо сир очилиб қолгудек бўлса, улардан бехабар эканини айтиш тавсия қилинган. Кузатувчиларга кўра, айни шу телефон мулоқоти Кадишни узил-кесил айбдор деб топишга асос бўлган.

АҚШ давлат департаменти мазкур жосуслик ҳодисасидан таассуфда эканини билдирган. Ташқи сиёсат маҳкамаси иттифоқчи ва дўст давлат томонидан бундай иш содир этилишини кутилмаган ҳодиса деб баҳолаган.

Исроил томони эса бу борада расмий муносабат билдиришга шошилмаяпти. Бироқ айрим таҳлилчилар ушбу ҳодиса икки томонлама муносабатларга маълум даражада таъсир этиши мумкинлигини тахмин қилмоқда. Келгуси ойда яҳудий давлати ташкил этилганининг 60 йиллиги нишонланади. Исроилдаги тантаналарга АҚШ раҳбари Жорж Буш келиши ва яҳудий давлатига молиявий кўмак ажратиши кутилаётган эди. Сўнгги ҳодисалардан кейин ана шу ёрдам салмоғи камайиши ҳам мумкин.

Айни пайтда Бен-ами Кадиш устидан олиб борилаётган тергов давом этяпти. Сўнгги хабарларга қараганда, у 300 минг доллар гаров эвазига судга қадар озодликка чиқарилган. Унинг паспорти олиб қўйилган ва унга Нью-Джерсидан ташқарига чиқиш ман этилган (Қўшма Штатлар қонунларига кўра жосуслик учун ўлимга қадар бўлган жазо тайинланади).

84 ёшга кирган Бен-ами Кадиш сўроқ пайтида жосуслик қилганини тан олган. Маҳбуснинг сўзларига кўра, у фақатгина Исроилга ташқи душманларга қарши курашда ёрдам бериш учун ушбу ишга қўл урган ва бунинг учун ҳеч қандай пул мукофоти ҳам олмаган.

Дарвоқе, Исроил бош вазири Эҳуд Ольмерт махсус хизмат фаолияти билан боғлиқ можарони текшириб чиқишга буйруқ берган. Йозеф Ягур фаолият юритган Илмий алоқалар бўйича агентлик 1986 йили тарқатиб юборилган (тахминларга кўра, агентлик фаолиятининг тўхтатилишига Ж. Полларднинг фош этилиши сабаб бўлган). Шу боис ҳам айни пайтда бу борадаги текширувни Исроил мудофаа вазирлиги олиб боряпти.

Исроил оммавий ахборот воситалари эса Кадишнинг фош этилишини Америкада давом этаётган сайловолди кампания билан боғламоқда. Мазкур можаро Ж. Полларднинг авф этиш йўлидаги ҳаракатларни ҳам йўққа чиқариши айтилмоқда.

Гап шундаки, Жонатан Полларднинг аллақачон Исроил фуқаролиги берилган ва яҳудий давлати раҳбарияти Вашингтонга уни авф этишни сўраб бир неча бор мурожаат этган. АҚШ ҳарбий денгиз кучлари разведка хизмати ходимига бу қадар катта эътибор берилаётгани бежиз эмас. У 1983-1985 йилларда Исроил махсус хизматига Ироқ, Эрон, Ливия ва Сурия ҳарбий қудратига доир 1500 га яқин махфий ахборотни тақдим этган.

Икки ҳамкор давлат ўртасидаги жосуслик билан боғлиқ можаро фақат бугина эмас. 2006 йили Пентагон (АҚШ мудофаа вазирлиги) ходими Ларри Франклин ҳам айни шу жиноятда айбланиб 12 йилга озодликдан маҳрум этилганди. Жамоатчилик билан алоқалар бўйича Америка-Исроил қўмитасининг икки нафар ходими Стивен Роузен ва Кейт Вайсман ҳам Саудия Арабистони, Эрон тўғрисидаги махфий маълумотларни Исроил ҳукумати ва журналистларига етказишда гумон қилиняпти.

Хориж матбуоти ва Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

НИГОҲ

ЎГИТ

Оталарни тўрга ўтказинг

Ота — оиланинг каттаси, уйнинг мустаҳкам қўрғони. Улар бўлмаса ана шу қўрғон дарз кетади, хонадондан эса файз кўтарилади.

Отанинг бу дунёда топгани фарзанд бўлса, берадигани дуодир. Ота дуосида ҳикмат кўп, мушкулларни осон қилади. Ишларга эса унум беради. Отасини рози қилиб, ўз фарзандлик бурчини холис адо этган инсоннинг бахти бутун, ҳаёти фаровон бўлади. Аксинча, отага тик қараб гап қайтарган, унинг қарғишини олган фарзанднинг бири икки бўлмайди.

Ота қарғишига учраган икки одамни яқиндан танийман. Ҳар иккаласи ҳам қўшни маҳаллада яшайди. Уларнинг биринчиси ёшлигида безори бўлиб, уйга ҳар куни ичиб келиб жанжал қиларди. Отаси қанча панд-насиҳат қилмасин, барибир кор қилмади. Берган ўгитларига қулоқ солмай кўчага чиқиб кетар, баъзан авзойи бузуқ ҳолда отасига гап қайтарар эди. Нобакор ўғил яна ичиб келиб, койиган отасига қўл кўтарди. Ҳайҳайлаб кўчага қочиб чиққан ота кўпчиликнинг олдида ўғлини "оқ" қилди. Кейинчалик ота-ўғил орасидаги муносабат яхши бўлиб кетса ҳам, қарғиш кўнгилда ўчмас доғлигича қолди. Ўғил минг бор тавба қилмасин, лекин ота оғзидан чиққан "оқ қилдим" сўзи илдиз отиб бўлган эди. Бир оғиз айтилган гап отилган ўқдек фарзанд турмушига кучли зарба берди. Шундан сўнг ўғилнинг иши умуман юришмади, аввал турмуш ўртоғи, кейинчалик эса бир фарзандидан жудо бўлди. Оиласидан файз, ишидан барака қочди. Устигаустак, икки қизи турмушидан қайтиб келди, ўғиллари уйдаги жанжаллардан безиб, отанинг оқ фотиҳасини олмай, бўлак чиқиб яшай бошлашди. Ота қарғишини олган нобакор ўғил ҳозир 60 ёшдан ошиб қолган. Давраларда оталар ҳақида гап кетса, ич-ичидан ёниб кетади, гарчи ўтган воқеаларни биров юзига солмаса ҳам, одамлар орасида бошини эгиб юради.

Яна бири гарчи оилада кенжа ўғил бўлса ҳам, ота-онасини қариганида ёлғиз ташлаб, бошқа уй-жой қилиб, алоҳида яшай бошлади. Хотинининг гапига кириб, онаси вафот этгач, отаси билан мерос талашиб, қаттиқ жанжаллашиб қолади. Аламзада бўлган ўғил отага пичоқ ўқталишгача боради. Бунга дош беролмаган ота қарғиш орасида фарзандини "оқ" қилиб юборади.

Йиллар ўтиб, фарзанд учун борини берган ота оламдан кўз юмади. "Қайтар дунё" деб бекорга айтишмаган. Бемеҳр ўғилнинг ҳам фарзандлари ноқобил чиқди. Бир эмас, икки ўғли қамалиб кетди. Ўзи эса ҳаётда ўрнини тополмади. Қийинчилик ва руҳий азобларга дош беролмай, ожизлик қилиб ичкиликка ружу қўйди ва охир-оқибат ногирон бўлиб қолди.

Отаси тириклигида унга меҳр бермаган фарзанд ўз болаларидан ҳам заррача меҳр кўрмайди. Бу ҳаётда ўз исботини топган. Халқимизда "Нима эксанг, шуни ўрасан" деган мақол бор. Дарҳақиқат, бу ғанимат умрни хайрли ишларга сарфлаб, оилада ота-онани улуғ кўриб, ҳурматини жойига қўйсак, бизларга ҳам кўп марҳаматлар ёғилади.

Ҳамид НОРҚУЛОВ

ЭЪТИРОФ

Ишласа бўлар экан-ку...

Сўнгги пайтларда айрим туманлардаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаолиятининг саёзлиги кўзга ташланиб қоляпти.

Хўш, туман ва қишлоқларда мавжуд ҳар бир фуқаролар йиғини раислари ўз вазифасини қай даражада бажаришяпти? Буни билиш учун биргина "Қумқўрғон" қишлоқ фуқаролар йиғинининг фаолияти билан танишдик. У ердаги шароит етарли, амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ экан. "Пойдевори мустаҳкам бино қуламайди" деганларидек, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси А. Бойматов ишни яхши йўлга қўйган, ўзи ҳам ишчан, далли-ғулли йигит. У "Отам обод қилган жойларни янада ободонлаштирай" деб тиним билмай меҳнат қилади. Отаси Сафар ака Бойматов ҳам шу қишлоқда узоқ йиллар раислик қилди, унинг вафотидан сўнг ишини ўғли давом эттирди.

Раис А. Бойматов анча мулоҳазали, гапга чечан инсон, шу боис суҳбатимиз ҳам тез қовушиб кетди.

— "Қумқўрғон" қишлоқ фуқаролар йиғини тумандаги энг йирикларидан бири бўлиб, фаолиятимиз доирасида 9 маҳалла мавжуд. Жами 38732 нафар бўлиб, қишлоқ аҳолиси 6910 та оилага жипслашган. Шунингдек, 11021 нафар фарзандларимиз таълим-тарбия оладиган 11 та мактаб бор. Туманда пахта етиштирадиган 137 та фермер, қолаверса, 4 та қорамолчиликка ихтисослашган фермер ҳам бор. Уларнинг ёрдами билан кўчалар обод қилиниб, ниҳоллар экилди, қўшни туманга борадиган йўлда дарё устига кўприк қурилди. Илмга иштиёқманд олижаноб фермерлар 15 нафар ўқувчига стипендия ажратди, – дейди раис қилинган ишларни бирма-бир сарҳисоб қиларкан.

Ушбу фуқаролар йиғини таркибидаги ходимларнинг ҳаммаси қатъий белгиланган иш режаси асосида ишлайди. Чораклик жадвал тарзида тузилган режага мувофиқ ҳар ой учтадан мактаб назорат қилиб борилади, у ерда ўқувчиларнинг дарсга қатнашишидан тортиб, ўқитувчиларнинг қай даражада билим бераётгани ҳам мунтазам текшириб турилади. Ибратли жиҳати шундаки, фуқаролар йиғини раиси иш юритиш борасида ички ишлар ходимларидан қолишмас экан. Маҳаллалардаги бозорлардан тортиб, ҳатто этикдўзнинг ишигача назорат қилишади. Унда бозордаги нарх-наво, харидорнинг талаб-истаклари кўриб чиқилиб, нафси ҳакалак отган сотувчилар тартибга чақирилади.

— Маҳалламиздаги тегирмонларда уннинг қиммат сотилаётгани, устига-устак у жудаям сифатсиз эканлиги ҳақида шикоят тушди. Шундан сўнг маҳалла оқсоқоллари, фаоллари ёрдами билан мавжуд 71 та тегирмонни кузатувга қўйдик. Кейин бироз ижобий томонга ўзгариш сезилди. Биз ҳам баъзи бир маҳалла раисларига ўхшаб "хўжакўрсин"га ишласак бўлади... Агар ҳамма шу тарзда ишласа маҳалла аҳлининг ҳаёти, турмуш тарзининг фаровонлигини ким таъминлайди? Йиғин ўзига тегишли вазифаларни тўлақонли адо этмаса, унда фуқаролар йиғини фаолиятининг нима кераги бор?" – дейди раис куйиниб.

Хуллас, "Қумқўрғон" фуқаролар йиғини қишлоқдаги муаммоларни ўрганиб, имкон қадар чора кўриб, яхши томонга ўзгартиришда бир неча йилдан бери жонбозлик кўрсатиб келяпти. Шу сабаб аҳоли ўртасида ҳар хил шикоят ва аризалар ҳам камайди. Энг муҳими, қишлоқ аҳли фуқаролар йиғинининг фаолиятидан жуда мамнун.

Соатмўмин ЖУМАЕВ,
Кумқўрғон тумани. Ⓡ

Ўзбек адабиётининг таниқли ижодкорларидан бири, машҳур шоир ва адиб Шуҳрат ҳаёт бўлганида шу кунларда 90 ёшга тўлар эди. Бу қутлуғ сана, шубҳасиз, адабиётимиз ва маънавиятимизнинг катта байрами. Шу муносабат билан жойларда адиб хотирасига бағишланган адабий кечалар, учрашувлар бўлиб ўтаётир.

Ноширлар ҳам Шуҳратни эслаб, тўй кунлари унинг айрим китобларини мухлисларга ҳавола этди. Масалан, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи Шуҳратнинг "Бемалол яшасанг бўлади" шеърлар китобини босмадан чиқарди. Уч минг нусхада чоп этилган тўпламни нашрга Тўлқин Ҳайит тайёрлаган. Масъул муҳаррир Муҳаммад Исмоил.

Шунингдек, "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйининг "Шуҳрат замондошлар хотирасида" китоби адиб тўйига муносиб совға бўлди. Китобни тўплаб, нашрга тайёрловчи Ашурали Жўраев. Масъул муҳаррир Шомуҳиддин Мансуров. Китобда Шуҳрат ҳаёти ва ижодининг янги-янги қирралари ёрқин ва жонли хотиралар орқали очиб берилган. Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган ушбу хотираларда Шуҳрат ижодининг умрбоқийлиги акс этиб турибди.

Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов таъкидлаганидек, "Адабиётимиз тоғлари силсиласида бошини оппоқ қор чулғаган чўққи сингари Шуҳрат сиймоси ҳар доим кўзга ташланиб тураверади".

Қуйида китобдан ўрин олган таниқли олим, таржимон ва адиб Иброҳим Ғафуровнинг Шуҳрат ҳақидаги хотираси билан танишасиз.

"Мен ҳаётнинг **атрофидамас, нақ ичида** бўлганман..."

Бу машҳур ёзувчи, ҳақгўй адиб ва чин инсон Шуҳратнинг умр фалсафаси эди

* * *

Тоғлар узоқлардан ҳайбатли кўринади ва яқинига борсангиз, уларнинг қорли чўққилари кўкларга туташиб кетгандай туюлади.

Ҳар бир одамнинг бир ўзак хислати бўлади. Бошқа барча хислатларни шу ўзак хислат бошқаради ва ўз ортидан эргаштиради.

Шоир, адиб, драматург Шуҳрат (Ғулом Алимов)нинг ҳам шундай ўзак хислати бўлган.

Унинг ҳақгўйлиги одамийлиги ва адиблик фаолиятининг ўзак-негизи эди.

Шуҳрат ака ҳақгўй эди.

У ҳақиқат учун маҳкам турарди.

У ўз ҳаётини романларга, ўз қалбининг ноёб кўтаринки кечинмаларини шеърга, достонга, балладага айлантирарди.

Зотан, унинг ҳаёти романларга, ўз қалбининг ноёб кўтаринки кечинмаларини шеърга, достонга, балладага айлантирарди.

Эсимда: "Шинелли йиллар", "Олтин зангламас"ларни илк бора ўқиганда, бу икки ўзига хос бағри кенг асарнинг Элмурод ва Содиқ исмли бош қаҳрамонлари баайни Шуҳрат аканинг ўзи эканлигини кўриб, туйиб, ҳайратга тушганман.

Ёзувчи иложи йўқ: маълум маънода ва маълум даражада, меъёрда бичиб тўқийди, жиндак ёзаётганларига ёлғон ҳам қўшади, қаҳрамонлари ва улар бошига тушган воқеалар, кўргиликларни бўрттиради, идеаллаштиради, бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама бойитади. Салмоқли, яхлит адабий ҳодисага айлантиради.

Албатта, Шуҳрат ўзбек адабиёти қаҳрамонлари галереясида жуда ёрқин ўрин тутган ўз қаҳрамонларига ўзидан нималарнидир қўшгандир, умумлаштиргандир (танқидчи, адабиётшунослар тили билан айтганда) — агар бу шундай бўлса, бу адабий меҳнатда, бадиий ҳунарда жуда табиий ҳол, лекин "Шинелли йиллар", "Олтин зангламас" ва сал сўнгроқ "Жаннат қидирганлар"ни ўқиганда мен буни бир ўқувчи сифатида сезмаган, пайқамаган, қаери тўқима, қаери реал деб ўйлаб ўтирмаганман. Менга романлар ҳаётнинг ўзи қандай бўлса шундайлиги — бари рост, бари реал бўлиб кўринган. Шуҳрат романларини эстетик идрокимга шундай қабул қилганман.

Ёзувчи бамисоли ҳеч нарсани бўрттирмаган, ҳеч нарсани бориданкўра чиройлироқ, ёмбироқ, қабариқроқ қиламан деб бош қотирмаган, балки борини борича ёзган.

Ноёб ва адабий ижодда беҳад қимматли ҳаётийликка, ҳаётий қабариқликка эришган. Буни қарангки, шу билан бирга Шуҳрат романлари айни чоғда яна адабиётчилар тили билан айтадиган бўлсак, ҳаётдан нусха кўчириш ҳам эмасди. Бирор бир тасвирда натурализм кўринмас ва ғашга тегмасди. Ва унинг тасвири "фотография" усулидан, фотография ростгўйлиги ва аниқлигидан ҳам жуда йироқ эди.

Шуҳрат романларида ҳаётга бу қадар яқинлик, бу қадар ҳаётийликнинг сири нимада эди?

Бу сирнинг калитини мен адибнинг ўзида, унинг ёрқин, азамат, девкор феъл-атворида, ҳаётга, одамларга, ўз ёзувчилик ва инсонлик қисматига бўлган ёндашувларида, қоядай мустаҳкам маърифатли принципларида — ҳеч йўлдан тоймас, оғмас, бўялмас, ўзгармас олижаноб адолатида кўраман.

Шуларнинг яқинлигида у Беҳбудий, Фитрат, Қодирий, Авлоний, Мунавварқори, Чўлпон, Убайдуллахўжа, Усмон Носирларга келбати тортарди.

70-йиллар тугаётган бир паллада Шуҳрат уйига чақирди. Ойдин билан бирга бордик. Олча пишган пайт эди. Меҳмондўст Турсуной опа бир чинни товоқда тоза пишган "шпонка" олча териб олдимизга дастурхонга қўйди. Улар Ойдин билан ичкарида дардлашишаркан, биз Шуҳрат ака иккимиз ёз оқшомининг салқинида ором олиб, бир товоқ бўртиб таранг тортиб пишган "шпонка"ни паққос туширганмиз. Олчанинг ҳушёр торттирувчи турш ва жуда ёқимли таъми кўксимизни тўлдирарди.

Сир йўқ: мен жадидларга, уларнинг ишлари, асарларига мубтало эдим. Асарлари ҳам, ишлари ҳам юрагимга саримойдай ёқарди. Суҳбатда маълум бўлдики, Шуҳрат ака мендан кўра юз карра, балки минг карра ортиқ жадидлар мубталоси экан. Улар ижодини хўб ўқиган, улар ҳаёти қирралари, фожиалари, адиб қаҳрамонликларидан бохабар экан.

Ўшанда улкан, чуқур, сероб, сертўлқин дарё бўйида икки соат бирга ўтиргандай, дарё шукуҳи, файзи, улуғворлигидан бир умрга етгулик баҳра олгандай бўлганман.

Уйга қайтарканман, бутун ўй-хаёлимни Шуҳрат ака билан бўлган суҳбатнинг нашидаси чулғаган эди.

Ўйлардим: Нега Шуҳрат ака шундай балоғат палласида жадидлар ҳақида роман ёзмайди? Нега бу ноёб қаҳрамонликларни акс эттирмайди? Ахир бу халқимиз учун бошқа ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган ва бошқа ҳеч нарса билан ўрни тўлмайдиган ибрат, кураш, ирода мактаби бўлиши мумкин эди-ку? Аммо ажаб! Бу бўшлиқнинг ўрни халқимиз учун ҳануз тўлмаган! Ҳануз бу улуғвор чўққилар адабиётимиз томонидан забт этилмаган, ҳамон бу улкан ижтимоий қимматга эга иш адиблар бўйнида қарз бўлиб турмоқда! Агар Шуҳрат жадидлар ҳақида бир эмас, ҳатто бир неча роман ёзишга ўтирса, бунга қурби-қудрати етар ва булар ўзбек халқининг улуғ ва ўлмас, қуримас романлари — ҳаёт ва гўзаллик булоқлари бўлурди! Ўша кеч суҳбатимиз таъсирида шундай ўйлардим ва хаёлим гўё ўша ёзилмаган романларнинг саҳифаларини бирма-бир варақларди. Зотан, Шуҳрат ака жадидлардай улуғ миллатпарвар ва ижтимоий муборизлар ҳақида асарлар ёзишга баайни етилган, юксак инсоний, зиёли балоғатга эришган адиб деб танирдим.

Кўп йиллардан буён ҳаётда роман-адиблар бўлади деб юраман. Беҳбудий шундай роман-одам эди. Фитрат, Қодирий, Чўлпон, Сўфизода... шундай роман-одамлар эди. Назаримда, бизнинг катта замондошимиз шоир ва адиб Шуҳрат ҳам худди шундай ва мана шулардай роман-одам ва роман-адиб эди. Ҳали ҳамон шу фикрдаман, шу ўйдаман.

ХОТИРА

Роман-одам, фикримча, йирик, салобатли, ўз ғоялари, ўз ҳаётий принциплари, ўз ижодий, инсоний фалсафасига эга шахсдир. У воқеалар атрофидамас, воқеалар унинг атрофида, унинг орбитасида гулдурос солиб айланади. Зотан, роман-одам катта ҳаёт фазоси — орбитаси бор одамдир. Бу орбитада даврнинг жуда кўп ранг-баранг воқеликлари, инсон тақдирлари, бири-биридан улуғ сержарда, зиддиятли воқеалар чарх уради ва замон кишиларини ўз айланиш доирасига оҳанрабодай тортади.

Шуҳрат ака ҳам ўзи биларди, куч-қудрати нималарга етиши, нималарга қодирлигини англар, ҳис қиларди. Бир куни у айтган экан: "Мен бу ҳаётнинг атрофидамас, нақ ичида бўлганман!" Бу ўта мардона гап! Ҳақгўй инсоннинг улуғ машаққатлар, уринишларда топган жон гапи! Шуҳрат ака: "Содиқ бу — мен, Элмурод бу — мен!" — деб балки айтмагандир. Лекин барча фозил замондошлари сезар

эдиларки: ҳа, Содиқ бу — Шуҳрат, Элмурод бу — Шуҳрат!

Ўтмиш ҳукуматдорларининг барча тўп-замбараклари, ажал қуроллари, буни қарангки, айни ҳақгўйларга қарши қаратилган эди. Ҳақгўйга ўзини меҳнаткашпарвар қилиб кўрсатишни севадиган давлат тузумида ҳам кун йўқ эди!

Шуҳрат шеърият, насрий сўзларида, ҳаёт ичида ҳақгўй эди — урушнинг бутун даҳшатларини кўрди, Сталин лагерлари азобларини бошидан кечирди, нисбатан тинч, яхши замонлар келганда ҳам бу ҳақгўйни катта ҳаётдан четлатишга, иложи борича уни чеклаш, овозини ўчиришга, асарларини бўғишга, эътиборсизлик, қадрсизлик чакалакзорларига улоқтириб ташлашга кўп уриндилар. Метиндан бино бўлган Шуҳрат эса ўз жадид устозлари каби титрамади, адолатсизликлар олдида бош эгмади, алп қоматини ҳамиша тик тутди.

1998 йилда Шуҳратнинг "Машраб" романининг илк фрагментлари ва замондошларининг у ҳақдаги хотиралари бир китоб ҳолида нашр қилинди. Бу китобда Шуҳратни яхши билган бир қатор адиблар, унинг иқтидорли шогирдлари, замондошларининг жуда қимматли гувоҳликлари, маълумотлари, қалбдан қуюлиб чиққан изҳорлари жамланган. Бу каби хотиралар айни чоғда адиблар ва ўқувчиларнинг Шуҳратга бўлган улкан муҳаббати, эҳтиромининг овозидир. Шундай муҳаббатга сазовор бўлиш инсонга мангу шараф, одамийлик шуҳратининг чинакамлигидир.

Иброҳим ҒАФУРОВ

ЎЙЛАБ КЎРИНГ

Сериалсевар болалар

Ҳоламнинг уйига меҳмонга боргандим. Эшик очилиши билан шўх-шодон жиянларим югуриб чиқишди. Соғинганимдан меҳрим товланиб, бирма-бир бағримга босдим. Бу вазиятни жияним Отабек зимдан кузатиб турган экан, ўз фикрини дабдурустдан баён этди:

— Опа, сиз бизни ўпманг. Биз сизнинг жиянингизмиз-ку, севишган йигит-қизлар шундай қилишади.

Бошида унинг сўзидан қотиб қолдим. "Ҳа, сен одобсиз, бу гапни қердан олдинг?" десам, "Солиҳ билан Зайнаб севишиб мактабга ҳам бормай, шундай қилишди", деб кулиб қочди.

— Даданг қаерда? Сен болани дадангга айтмасамми?

— Дадам уйда йўқ. Меҳмонга кетган.

— Унда онанг қаерда?

— Бир соат олдин қўшнининг уйига кетувди.

Оёқ кийимимни ечар-ечмас катта жияним Мадинанинг баланд овози эшитилиб қолди: "Келинглар, "Сейман оға" бошланди". Тўполончи болалар телевизор турган хона томон чопишди. Мен ҳам улар ўтирган хонага кирдим. Пультни олиб, бошқа каналга ўтказдим. Бирдан шовқин-сурон бошланди. Сўнг бири қўйиб, бири йиғлашга тушди. Қандайдир каналга қўйсам, мультфильм намойиш этилаётган экан. "Шуни кўринглар", дедим-у, балога қолдим. Иложсиз "Ёшлар" телеканалига алмаштиришга мажбур бўлдим. Қўйишим билан йиғисиғи ҳам, бақир-чақир ҳам тинди. Холам ҳам келди. Бўлган воқеани айтдим.

— Қулоғимнинг тинчи дея индамаяпман. Тўғри қиляпманми ёки нотўғрими, ўзим ҳам билмайман. Қара, овозлари ҳам чиқмай томоша қилишларини.

Сериал якунланиши билан болалар олдимизга келишди. Кўрганларини оқизмай-томизмай, ипидан игнасигача айтиб беришди. Сўнг Отабек:

— Ойи-ойи, қачон яна "Жаббор оға"ни беради? – деди.

Холам ҳам оддий қилиб:

— "Сейман оға" тугасин кейин, — деди. Отабек ўзида йўқ хурсанд.

— Ойи, сиз Назар, дадам эса Жаббор оға, мен Эфеман. Сиз олдин Али муаллимни севгансиз-а? Мен шунда кимнинг ўғлиман?

Бу савол қанчалик кулгили туюлса-да, унинг замирида мурғак бола онгининг қанчалар ўзгаргани намоён эди.

Отабек яна сўз қотди:

— Опа, Амирхонбейни кўряпсизми?

— Йўқ!

— Кўринг-да, — дея койигандай бўлди. Кейин яна сўзини давом эттириб: — Мен Амирхон, сиз Райҳон, — деди.

— Ким у Райҳон?

— Амирхонбейнинг хотини. Катта бўлганимдан сўнг сизга уйланаман. Кейин "дадаси-аяси" бўлиб яшаймиз.

Қанчалар кулгили гап! Биз бу комедиянинг ортидан келувчи трагедияни кутиб яшаётган томошабинга ўхшаймиз, холос.

Ўзбекистон телерадиокомпаниясидаги барча каналларда сериал намойиш қилиш одат тусига айланиб улгурган. Бири тугагач, иккинчиси бошланади. Соат 19.30 дан то 24.00 гача сериаллар поезди уланиб, эфирга узатилади. Ўзбек хонадонларини кузатар экансиз, шаҳарми ёки қишлоқ, шу вақт ичида ҳамма сериал томоша қилиш билан банд бўлади. Томошабинлар орасида боғча ёшидаги болалар ҳам, мактаб ўқувчилари ҳам кўпчиликни ташкил этади. Улар сериални киприк қоқмай томоша қилади. Шунда бир савол туғилади: Болалар қачон дарс тайёрлайди ёки устозларига кўрган сериалларини сўзлаб беришадими?

Биз фарзандларимизга "Қулоғимнинг тинчи, жонимнинг роҳати" зайлида индамаётганимиз ўзимизнинг оёғимизга болта уриш билан баробардир. Руҳшуносларнинг таъкидлашича, ҳар кунги такрорий ҳолат шартли рефлекс ҳосил қилади ва вақти-вақти билан одам ўша нарсага эҳтиёж сезиб туради. Кейин эса аста-секин бутун ҳаёт шундан иборатдай бўлиб қолади. Бу, айниқса, ёш авлод келажаги учун катта хавф солади. Бугунги кунда намойиш этилаётган сериаллар болаларга ҳам "юқиб", йиллар ўтгач ўз асоратини кўрсатмайдими? Энг ачинарлиси, миллат ёшларининг маънаний тарбиясига ана шу сериаллар салбий таъсир кўрсатмай қолмаса керак. Келажак эса, кўп бора таъкидланганидек, ёшлар қўлида. Ёшларни катталар тарбиялаши ва оқ-қорани танитиши лозим. Киношуносларнинг фикрича, турк сериаллари бизнинг минталитетимизга мутлақо зид. Халқимизга кўпроқ Корея-Хитой ҳамда Япония киноижодкорлари томонидан ишланган "Ошин", "Денгиз ҳукмдори", "Сарой жавоҳири", "Сўнгги қиролича" каби тарихий сериаллар мос тушади. Булар ёшлар ва катталар кўрадиган сериал бўлиб, ибратлар кўрадиган сериал бўлиб, ибрат олса арзийдиган жиҳатлари кўп.

Феруза ХУДОЙҚУЛОВА

МУЛОҲАЗА

Эй тенгдош, ўзингизга савол бериб кўринг-чи...

"Тановар" ёки "Мустазод"дан бир парча хиргойи қилиб бера оласизми? Ёки мумтоз санъаткорларимизнинг номларини санаш қўлингиздан келадими?

Менимча, аниқ жавоб топа олмадингиз. Чунки баъзи тенгдошларимиз эсига туширолмаётган бўлса, баъзилар бундай номларни умуман эшитмаган. Яна бир тоифа ёшлар борки, ҳатто "мумтоз" сўзининг маъносини билмайди. Сабаби эса оддий, бугун ёшларнинг кўпчилиги бундай қўшиқларни эшитмайди.

Айб эшитувчидами ёки ...

Бугунги кунда миллий қўшиқларимизга ёшларнинг муносабати қандай?



Бир куни домламиз миллий қўшиқларимиздан бир нечтасини қўйиб эшиттирди. Қўшиқлар тугагач, бу куйларга қандай муносабат билдиришимизни сўради. Иккита-учта талаба севиб тинглашини, иккита-учтаси баъзида эшитиб туришини, айримлар эшитиб маъносига тушунолмаслигини айтишди. Қолганлар эса миллий руҳдаги қўшиқларни, айниқса, классик куй-наволарни умуман эшитмаслигини ва ёқтирмаслигини очиқ баён этишди. Энг ачинарлиси шу эдики, умуман эшитмайдиганларнинг сони кўпчиликни ташкил этарди.

Кўчада кетаётиб, эътибор берсангиз ҳам, бермасангиз ҳам шахсий машинасида мусиқа овозини баралла қўйиб кетаётганларга кўзингиз тушади. Улар эса ўзимизнинг қўшиқларни эмас, хорижнинг шовқин-сурондан иборат мусиқаларини қўйиб олишади. Қўшиқларнинг маъносини тушуниш-тушунмасликлари, бир Яратганга аён.

Баъзида ўйлаб қоламан: "Безорилар" тилидан айтилган "рок", "реп" йўналишидаги "қўшиқ"лардан, инсоннинг қон босимини кўтариб юборишга "қодир" шовқин-суронлардан қандай маъно, қандай маънавий озуқа олиш мумкин?

Аслида инсон кайфиятни кўтариш, миясига дам бериш, кўнглига таскин топиш каби мақсадлар билан мусиқа тинглайди. Энди ўйлаб кўринг, ўша хориж қўшиқлари кайфиятни кўтариши мумкин, лекин миясига дам ва дардига дармон, кўнглига таскин бера олишини билмадимов...

Бу фикрларим билан, албатта, хориж мусиқаларини камситмоқчи эмасман. Аммо енгил-елпи ашулалардан ўзимизнинг пурмаъно сўзларга бой, тафаккур қилишга ундовчи ўзбек миллий қўшиқларини тинглаш яхши эмасми?!

Хўш, бу ҳақда айрим ёшларнинг фикри қандай экан?

Шаҳло Солиева, талаба:

— Тўғриси, айрим миллий қўшиқларни умуман тингламайман. Биринчидан, унинг маъносига тушунмайман. Иккинчидан, улар кайфиятимни маҳзун қилади. Қолаверса, жуда зерикарли. Асосан, рок йўналишидаги мусиқаларни хуш кўраман. Улар кайфиятимни кўтаради.

Саломат Матёқубова, талаба:

— Бундай қўшиқлар хуш ёқади, ҳурмат қиламан. Аммо ҳамма вақт ҳам тинглайвермайман. Бу кайфиятим билан боғлиқ. Асосан эстрада хонандаларининг сара мусиқаларини тинглайман.

Аҳмад Юсупов, ўқувчи:

— Йўқ, ундай қўшиқларни умуман билмайман.Ҳозир репча кийиниш, репча куйлаш мода-ку? Барча тенгдошларимиз репча қўшиқларни тинглашади. Шу қатори мен ҳам.

Шоҳида МУЛЛАЕВА

МУТОЛАА

"Оламда энг оғир — Сўзнинг йўлидир"

Шоирнинг айтар сўзи ва уйғоқ қалби ҳақида

Шоир дунёси шеърда акс этади. Шеър кўнгил нафосатидан дарак беради. Чин маънодаги ижодкор фанони бақога алишмайди, адабиётнинг бадииятини ҳис этади. Шоирларга сўз майдонида мағлубият эмас, мағрурият муносиб. Улар руҳ бойлиги — туганмас маънавий хазинага вужуди билан ошиқона талпинади. Шунда ижодий дард улканлашади, шоир Ватан ҳақида рост ёза олади, ишқий номаларида жозиба бўлади.

Бундай сифатлашлар Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид ижодига ҳам бегона эмас. Сирожиддин Саййид нафақат шоир, айни чоғда фаол жамоатчи, қалами ўткир мақоланавис, бадианавис, ўз адабий эстетик қарашларига эга ижодкор ҳамдир.

Муҳими, Сирожиддин Саййид ижодининг барча қирралари ягона бир бебаҳо гавҳар — шоирлик теграсида мужассам топади. Унинг кундалик турмушга доир ижтимоий мақолаларида ҳам, инсон қадри, табиат кўрки ёки устозлар ёди тўғрисида ёзганларида ҳам шоирона нуқтаи назар сезилиб туради. У воқеликка шоирга хос ички нигоҳ, нафис ва ўткир назар билан қарайди. Лозим бўлса, турли касб эгаларини, соҳа заҳматкашларининг суҳбатларини ўрганади. Дилига йўл топиб, улардан фазилат излайди.

Сирожиддин Саййид услубида теранлик, ижодий кайфиятида ғурур-ифтихор туйғуси уфуриб туради. Сўзларни гоҳида бирлаштириб, баъзан парчалаб маъно беради. Она Ватан — "Она ва тан", халқона — "халқ она" — булар ўзаро ажралмайдиган, бирини бошқасидан айро тасаввур қилиб бўлмайдиган тушунчалардир. Бироқ шоир сўзлар ҳолига хаёл уфқларидан тиниқ ранг беради, сизни фикрлашга ундайди.

Ватан ҳақида умрбоқий сўз айтиш учун шу эл дардини тўла-тўкис ҳис қилиш муҳим. Кўпчилик Сирожиддин Саййид ижоди марказида Ватан мавзуси туришини яхши билади. Бу мавзу ибтидосини у мактабдаги муаллимларидан олган: "Менинг юрагимнинг кабутарига Ватан деган сўзни хатлаб берган Сиз", деб эслайди. Шу сабоқлар мезони билан юртини ўрганади:

Таълим олдим бошоқлардан,
донлардан ҳам,
Кулча юзлар ҳамда
кулча нонлардан ҳам.
Мен Ватанни ўргандим
ҳар гиёҳидан,
Шомларию райҳонларин
сиёҳидан.

Бу шеърий мисраларнинг мантиқий давоми шоир шууридан бадиалар матнига кўчади. Шакл ўзгаради, бироқ моҳият ўзгармайди. Фақат баён усули биринчи шахсдан учинчи шахс йўлига ўтади, холос. Шоирнинг: "Ҳаёт боғининг гулчечакларидай тириклик бўстонининг навниҳоллари мисол қоракўз, қорақош болакайлару қизалоқлари бу остонадан Ватан дарсини оладилар, ифтихорга, ғурурга тўлиб, юрт тарихини ўрганадилар, Ватанни англайдилар", деган мулоҳазаси бунга далил. Зотан, Ватанни ўрганиш дарслари умр бўйи давом этадиган машғулотлар сирасига киради.

Сирожиддин Саййид "Ватан ичра ватанлари" билан фахрланади. Тарихда ўтган буюк аждодларимизнинг ҳар бири шоир учун улкан бир мамлакат. Унга шу юртнинг бир сиқим тупроғи ҳам, заминдан бош кўтарган ям-яшил майсаси ҳам муқаддас. Чунки "бу тупроқда майсалар ҳадис айтиб уйғонадилар".

Шоир маънавий бедорликни ёқтиради. Қалби уйғоқ, дили бедор одамга қадим қалъалар ҳам уйғоқ кўринади, чунки бу "диёрда аждодлар руҳи ҳамиша уйғоқ"дир.

Менинг Ватан ичра
Ватанларим бор,
Мангу завол билмас
чаманларим бор.
Бухорийлар каби хазиналарим,
Термизийлар каби
маъданларим бор.

Кўзи очиқ ҳолда ухлаган ёмон. Бундай одам руҳи кишланади, лоқайд бўлади. Абдулла Орипов бир замонлар шу тоифага қарата: "Қачон халқ бўласан, эй, сен оломон?" дея хитоб қилди. Шавкат Раҳмон эса бу фожиадан зорланиб: "Бу доно йигитлар, бу доно қизлар ухлайди кўзлари очиқлигича", деган сатрларни ёзган эди. Сирожиддин Саййид ёзади: "Шоирнинг шеъри бировга иморат солиб беришга ярамаслиги мумкин, лекин кўнгил иморатларини тикламоғи шубҳасиздир".

Қалам аҳлининг ижод жараёни, ижод психологияси хусусидаги бундай эътирофлари ўз қадр-қимматига эга. Зотан, Сирожиддин Саййид "Яшасин ёмғирлар" китобининг бир бўлимида устозларидан олган сабоқлардан гапирса, бошқа бир бўлимини бевосита "Шоирлик ва шоирчилик" деб номлайди. Бу номда жиддият ҳам, киноя ҳам бор. Китобдаги шу бўлимлар ва суҳбатларда муаллиф адабий-назарий тушунчалари, қарашларини баён қилади. Бу ижодий тажрибалари, бундаги адабий фикр-мулоҳазалар шоирнинг шеърий кошонасига кириш учун калит вазифасини ҳам ўтайди.

Устоз сабоқларида шундай бир эътирофлар бор: "Бу шеърият — улкан ижод ва маҳорат мактаби, тирикликка муҳаббатнинг ёпилмас дарсхонадир" (Ғафур Ғулом шеърияти). "Бу ном бизга юлдузлар қадар олис ва нотаниш эди, юлдузлар қадар яқин ва қадрдон бўлиб қолди" (Абдулла Орипов номи). Сирожиддин Саййид ана шу таҳсил олган дарсхона эгаларига, яъни "бир улкан шеърий кошона"лар қурган, "ўз сўзларининг улкан иморатини тиклай олган" муаллимларига миннатдорчилигини билдиради.

Сирожиддин Саййид бир шеърида: "Шеърият, сен адабий ранжу озор йўлимсан", деган сатрларни ёзади. Йўл азоби ва машаққатини ҳис этилган бу эътироф — ҳақиқатларга ҳамоҳанг равишда ўқиймиз: "Адабиёт — маънавият, маърифатнинг катта, улуғ дарёси". Бу дарё тинмаслиги, булғанмаслиги, ифлосланмаслиги керак. Бу дарё покиза, ораста бўлмоғи лозим... Фикр қувватидан шуурда шундай фикрлар оқими пайдо бўлади. Яна ўқиймиз: "Шеърият — соғинчдир, севинчдир, аламдир, ўйдир", "Шоирлик — бир умр тўкилиб бориш демакдир. Сўз йўли, бутун умр тўкилиш, куз ва баргрезон йўлдирки, бунинг боғи ҳам, чорбоғи ҳам шоирнинг ўзидир". Бу адабий ҳақиқатлар — шоир бошидан кечган руҳий изтиробларга, ижод ҳодисасига оид изҳорлар. Бу беморликни бошидан кечирган табибнинг дармондориларидир. "Шеърлар — кўнгил боғининг шавқ шамолларида шовуллаб тўкилган япроқларидир". Таассуфки, кўпинча завқу шавқдан бегона, дардга ҳам, санъатга ҳам дахлсиз нарсалар "шеър" сифати билан нашрлардан чиқиб турибди. Сирожиддин Саййид таъкидлайдики, "Шоирликнинг махсус китоби йўқ, қўлланма билан шоирликка етишиб бўлмайди".



Адабий жараёнда кун сари урчиётган "шоиргарчилик" уруғлари сўз уволидан қўрққан, адабиёт учун жон куйдираётган ижодкорга тинчлик бермайди, одам безовта бўлади... Илк машқлар билан йўл бошига келаётганларнинг кўпчилиги учун мутолаа "сув ва ҳаводай керак". Аммо кўплари бу саодатдан бебаҳра. Нафақат мутолаа завқ-шавқи, балки инсоний фазилатлар, дейлик, андиша ва камтарлик ҳам анқонинг уруғи. Китоби чиқиши билан гўёки уларга мумтоз адабий сиймолар ёнидан муносиб ўрин ажратилгандек осмону фалакда мастона сайр қиладилар. Аслида, сакиз букланиб муқовага солинган бу матоҳ — сийқаси чиққан қофия, ўлик сўз (аниқроғи, ўлдирилган сўз) ким учун зарурати борлигини ўйлаб ҳам кўришмайди. Шу эътибордан Сирожиддин Саййид кўпчиликнинг дилидаги бир гапни топиб айтибди: "Ёшгина шоиру шоираларнинг радио-телевизорларда, турли паст-баланд суҳбатларда бемалол-бамайлихотир "Менинг ижодим" ё "Мен ёзган асарларда..." дея гапиришлари жуда ҳам ғалати. Бир ойсингил бўлса, ҳаммасидан "зўрроқ" айтибди: "Мен адабиётга кириб келганимда 14 ёшда эдим. Менинг шеъриятимда баҳор ва севги мавзуси асосий ўрин тутади" (176-бет). Ҳақиқатан ҳам, бу ўринда "гап дид ва фаросатга бориб" тақалади. Мумтоз адабиётимизни ўқиш-ўрганиш, жаҳон адабиётининг энг нодир намуналарининг мутолаалари, булар — "адо бўлмас дарслар". Ана шу дарслар бўладиган бола камолоти учун маънавий зинапоя вазифасини ўташи мумкин.

Умуман олганда, бу каби фикр-мулоҳазалар, турмуш кузатишларининг шоирона ташбеҳларига йўғрилган ифодалари "Яшасин ёмғирлар" китобининг саҳифаларини безаб турибди. Шунингдек, эсдалик ва хотира йўсинида ёзилган ёшлик, дўст ва ижод соғинчига доир мақолалари ҳам ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Муҳими, Сирожиддин Саййид "озод ва гўзал Ватан учун гўзал қалбли, озод фарзандлар" кераклигини ҳам, бундай фазилатли фарзандлар учун эса "гўзал тарбия, яхшиликка элтувчи гўзал китоблар" зарурлигини ҳам жуда яхши билади. Шу маънода 2007 йили Ғафур Ғулом номидаги нашриётматбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган мақолалар, бадиалар, хотира ва суҳбатлардан таркиб топган "Яшасин ёмғирлар" китоби шоир Сирожиддин Саййид сўзининг амалий исботидир. Демак, биз муаллифнинг ўз сўзларига бир-икки сўз қўшган ҳолда: "Яшасин ёмғирлар!" деймиз. "Яшасин, шоирнинг яхшиликка сарф бўлган йиллари!" деймиз. "Зотан, ёмғирлар ҳамиша мусаффолигу тиниқлик, севинчу сафолар келтиргусидир!"

Баҳодир КАРИМ,
филология фанлари доктори.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

Ўйламай айтилган гап

уч кишининг ҳаётига зомин бўлди

Бир мудҳиш воқеа сабаб бўлди-ю, рашк балоси ҳақидаги мулоҳазаларимни баён этишга ундади мени. Дўстим Ҳайбатжоннинг Ҳаётжон исмли ўғли бор эди. Вақти-соати келиб, уни севган қизига уйлантиришди. Рисоладагидек тўй ҳам бўлиб ўтди. Келин фарзанд туғилишига бир ой қолганида ўзини осиб қўйди. Чунки Ҳаётжоннинг онаси Хайрихон ўғлини келинидан рашк қилибди. Орада турли хил майда-чуйда миш-миш гапларни тарқатибди.

Ҳаётжоннинг отаси Ҳайбатжон баобрў, зиёли, ўта мулоҳазали инсон эди. Эр-хотин ёлғиз ўғлига боғланиб қолишганди. Ҳаётжонни сувга ҳам, шамолга ҳам ишонмасдилар. Она барибир она-да, боласини отасидан қизғана бошлайди. Ҳайбатжон буни билсада, гўё билмасликка олиб юради.

Улар Ҳаётжонни уйлантириб, бу муаммога чек қўймоқчи эдилар. Оилага келин келиши онага қаттиқ таъсир қилди. Хайрихон ўғлини келинидан рашк қила бошлади. Ҳаётжоннинг севгилиси билан ўзаро муомаласи, унга қиладиган туҳфалари ҳам онасига заҳарли илон бўлиб кўринарди. Ҳатто келинни эркалашлари унинг вужудига олов бўлиб ўрала бошлади. Рашк ўтида ёнган Хайрихон ўзича: "Ўғлимга ҳамма нарсани бердим. Энди эса у ўша берганларимни менга эмас, балки келинимга беряпти", дерди.

Алам отига миниб олган Хайрихон: "Келиним ўғлимни менга қарши қилиб қўйди. Бу ҳам етмагандек, ўғлимни мендан тортиб олмоқчи. Ирим-сирим қилиб ўғлимни ўзига иситиб олган", деган васваса-ю ваҳимага тушиб қолди. Одамзот дунёга келибдики, у рашк билан бирга яшайди. Рашк кирган эшикдан, албатта, ёмонлик ҳиди келади.

Хайрихондаги қизғанчиқлик, кўролмаслик, ҳасад ва хусумат эса ҳар хил ғийбат, туҳмат гапларни тарқатишга йўл очди. Бу нохуш гаплар бутун маҳаллага, қолаверса, туманга тарқалиб кетди.

Эл оғзига элак тутиб бўлмайди-ку?! Аввал бу гаплар Ҳаётжонга етиб борди. У орияти устун келиб, ўзини ўзи нобуд қилди. Келин ҳам мишмишларнинг қурбони бўлди. Ҳайбатжон ҳам. Бир ой ичида бир хонадондан уч ўлик чиқди. Маҳалла аҳли бўлса, рашк қурбони бўлган ажойиб оилани емирилиб, таназзулга юз тутганидан афсус ва надомат чекдилар. Ахир, ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир, деб бежизга айтишмаган-да! Рашк балосига дучор бўлиб, Шайтони лаънинга қул бўлган Хайрихон эса савдои бўлиб қолди...

Рашк барқ уриб, яшнаб турган дарахтни қовжиратиб, қуритиб ташлайди. Рашкнинг қуроли кўп. Ҳаётда қанча севги бўлса, шунча рашк ҳам бўлади. Уни кўпинча икки одамнинг орасини бузғувчи учинчи одам ҳам дейдилар. Раҳматнинг ҳам чеки йўқ, лаънатнинг ҳам. Ишқ билан рашк доимо ёнмаёндир.

— Маҳалламизда ажойиб, ибратли бир оила бор эди, — дейди Ҳимомиддин ака. Ҳар тўкисда бир кемтиклик бор деганларидек, уларнинг фарзанди йўқ эди. Яхши одамларнинг маслаҳатларига қулоқ тутиб, қариндошларидан бирининг боласини боқиб олдилар. Худо боққанга боқади, меҳр берганга ҳам меҳр беради, деганлари рост экан. Қирқ ёшдан ошганларида фарзандли бўлишди.

— Жуда яхши бўлибди-да! — дедим мен унга.

— Секин айтасиз-а, бу Худонинг инояти эди. Аммо одамни лол қолдирадиган антиқа воқеа юз берди.

— Тинчликми?

— Нимасини айтасиз. Янги туғилган чақалоққа кўрсатилган катта эътибор асранди болада рашк уйғотибди. Бир куни бешикда ётган болани ҳовлидан оқиб ўтадиган сувга ташлаб юборибди. Яхшиямки, қўшниси кўриб қолиб, болани ушлаб олибди.

— Сўнг нима бўлди?

— Воқеадан хабардор бўлган ота-она катта фарзандларини меҳрли сўзлар билан тўғри йўлга солди. "Бу сенга сингил бўлади. Катта бўлганда кирларингни ювади, овқат пишириб беради. Сени, акажон деб яхши кўради. Синглинг ҳали ёш бўлгани учун унга кўпроқ эътибор беряпмиз. Бироз катта бўлсин, ўшанда сизларни бир хилда яхши кўрамиз. Бирга ҳайвонот боғига, қўғирчоқ театрига олиб борамиз, — дейишибди. — Қани, акаси, синглингнинг юзларидан, пешонасидан ўпиб қўйчи!". Бола синглисининг юзларидан ўпиб қўйибди. Шу-шу, асранди болада синглисига нисбатан рашк йўқолибди.

Ҳа, оилада, ўқув масканларида ёшларга рашкнинг оқибатлари ҳақида ҳам зарур маслаҳатлар бериб бормоқ керак. Ҳа, рашк фожиаларнинг уяси, ундан сақланмоқ жоиз!

Абдулҳамид ҲАБИБУЛЛАЕВ,
доцент, халқ таълими аълочиси.

АКС-САДО

КИМГА ҚИЙИН?

("Сиздан угина, биздан бугина", "Ҳуррият", 2008 йил 9 апрель)

— Менга қара, болам, шу ерда ишлайсанми? Битта мақола обкелдим. Фақат оғзаки. Шу десанг, эрталаб кампир билан сал ғижиллашиб қолдик.

...Биламан ёшлар бўйича ёзишингни, менам кампир билан ёшлар бўйича тортишдим. Бугун биласанми, нима дейди. «Ҳозир домлалардаям инсоф қолмади. «Неварамгаям қийин», дейди. «Неварангга ота-онаси ойига 50-60 минг сўмдан бериб турган бўлса, давлат ҳам анча стипендия беради, қиладиган иши — фақат институтга бориб-келиш. Хўш, нимаси қийин экан унга. Эртадан кечгача хонасида ётгунча, бундай кутубхоналарга борсин, дарс тайёрласин қани, сўнг домласи имтиҳонда йиқитармикан? Ўзига иш ёқмайди-да буларнинг», дедим унга.

...Қаердан биламан? Нега билмаслигим керак? Мен билган нарсаларнинг олдида бунинг нима бўпти. Ёшликда қилмаган ишимиз, бормаган жойимиз қолмаган.

Аниғини билмайману, тахминан 60-йиллар эди, ошна-оғайнилар билан Парижга бордик. Шунда битта француз биздан қаерликсизлар деб сўраб қолди. Унга бир амаллаб тушунтирмоқчи бўлдим. Ўзбекистон, дейман, билмайди. Тошкент, дейман елка қисади. Ахири жаҳлим чиқиб, Чиялданман, деб юбордим. У бўлса, «О... Че-ал» дейди тилини бураб.

...Кулма, латифа айтаётганим йўқ. Бўлган воқеа бу. Биласанми, нима учун сенга бу гапларни айтаяпман. «Так, што», дунё кўрган одаммиз-да, улим.

...Мақоланинг давомини?.. Ҳозир айтаман. Бизнинг невара ўзи мактабда ҳам аранг учга ўқирди. Қандай ўқишга кираркин, киролмаса керагов, яхшиси ҳунар ўрганиб, ишлагани маъқул деб юрардим. Омади бор экан ўқишга кирди. Мана уч йил бўлди, ўқияпти. Ҳар олти ойда «Сессияга пул беринг, дада», деб келиб туради. Ана шуниси чатоқ-да. Гоҳида ачиниб кетаман, ота-онасигамас, боласи учун нималар қилмайди одам. Ўша катта шаҳарда, катта ўқишда ўқийдиган бўлажак олимнинг укаларига ачинаман, уларга қийин. Акаси ўқиётгани учун уларнинг рисқи қийилаяпти.

Бир куни ўша бўлажак олимни роса уришдим. «Ҳой, — дедим, — ўзингни, ота-онангни ўйламасанг ҳам, укаларингни ўйла», дедим. Қаттиқ-қаттиқ гапирдим. У бўлса, «Нима қилай, бобожон, билсам ҳам, барибир йиқитади», дейди.

Шу гапига мени ишонади, деб ўйлайди. Агар билсанг, пул беришнинг нима кераги бор, нодон, дейман ичимда.

Ўзинг ўйла, мухбир улим, қандай қилиб, ўқиса, билими етарли бўлса ҳам баҳо қўйиб бермаслиги мумкин. Бўлмаган гап. Ўзи китоб ўқимайди, сўнг ким ёмон «домла» ёмон.

Менинг фикрим шу. Ёздингми, нуқтани қўй. Тагига Абдусаттор бобо деб ёз. Фамилиямни нима қиласан, қишлоққа борсанг, ҳамма танийди. Энди ўзингдан қолар гап йўқ. Мен гапимни айтдим. Буёғини ўзинг келиштири-иб ёзарсан.

Абдусаттор бобонинг «мақола»сини Элбек ЖУМАНОВ қоғозга туширди.

МАДАНИЯТ ВА СПОРТ

ШЕЪР ВА ШУУР

Ўткир Муҳаммад — 1977 йили Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида туғилган. "Кўнглим эркаси" ва "Онаизор" деб номланган шеърий тўпламлари чоп этилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Қуйида шоирнинг янги шеърларидан ҳавола этмокдамиз.

Болалик

Болалигим — эртаклар юрти,
Шўхликлару эрмаклар юрти.
Нодонларга бўлсанг ҳам кулгу,
Юрагимда, ардоғимдасан,
Кўзларимнинг қарағидасан.

Арзийдими дунё аслида,
Оёғингнинг чангу гардига.
Етмадимми-етдим қадрингга,
Юрагимда, ардоғимдасан,
Кўзларимнинг қарағидасан.

Сен шабнамга ювилган юрак,
Осмонларга бўйлаган тилак.
Сендан ўзга менга не керак?
Юрагимда, ардоғимдасан,
Кўзларимнинг қарағидасан.

Ўткир Муҳаммад

Осмонларга бўйлаган тилак

Унутмасман

Унутгум ой, кунни балки,
Ойдай юзни унутмасман.
Гоҳо ўзни унутсам ҳам,
Ўшал сўзни унутмасман.

Унут бўлгай чарчоқлар ҳам,
Порлаб турган чироқлар ҳам.
Олов ёнган қароқлар ҳам,
Шаҳло кўзни унутмасман.

Англамай кеча-кундузни,
Қуёшни, ойни, юлдузни.
Унутсам ҳам барча қизни,
Сендай қизни унутмасман.

Синглим

Жон синглим-а соф туйғуга тўла кўнгли,
Кўзчалари бирда шод-у, бирда мунгли.
Менинг эса туйғуларим минг ўй аро,
Бирда текис, бирда ўнқир,
бирда дўнгли.

Акасига олисларни кўзлаган сен,
Дардларини кўз ёшига сўзлаган сен.
Кўзларимдан кўзларининг изларини
Излай-излай тополмасдан бўзлаган сен.

Жон сингилжон, мендан
хафа бўлмагин сен,
Айбдор дилим, тилка-тилка эт поралаб.
Ака бўлиб, синглисини йўқламайин
Нотавонман, кезиб юрган юрт оралаб!

Қизларингда кўрдим синглим —
болалигинг,
Бири қирмиз, бири шодон лолалигинг.
Бири тўла сийратингнинг акси бўлса,
Бирин ўхшар кўзидаги жолалиги.

Кўрдим бола чоғларимиз уларда мен,
Каттаси мен бўлсам керак, кичиги сен.
Сени бошим узра баланд кўтарардим,
Бирда дунё тор бўларкан, бирда-чи кенг.

Ака бўлиб қучмагандай сени суйиб,
Қизларинг ҳам қучмабман-а,
бир бор тўйиб.
Қайтиб келган болаликни илғамаган —
Мен ношудни кечир дейман куйиб-куйиб.

Тўртликлар

Сен кетдинг, баҳорим,
жуда йироққа,
Осмоним тарк этди суйган ҳилолим.
Орзулар дош бера олмай фироққа,
Самога бош олиб кетди хаёлим.

* * *

Шоирга тор келар бу ёруғ дунё,
Коинотга сиғмас у сурган хаёл.
Тонглари энг яқин дўстидир сабо,
Тунлар ёлғиз ухлар у суйган аёл.

Таниқли ҳажвчи ёзувчи,
масалнавис
Мухтор Худойқулов:

УЧРАШУВ

«Масал матал эмас, бу — виждондир»

Адабиёт — инсон руҳияти, қалби, ҳис-туйғулари, кечинмалари билан боғлиқ бир ҳодиса бўлибгина қолмай, балки соғлом жамиятнинг ривожи учун ҳам доимо хизмат қилиб келган. Бу борада масал жанри ҳам алоҳида ўрин тутади.

«Учрашув» рукнининг бу галги меҳмони масал жанрига астойдил меҳр қўйиб, ихлос билан ижод қилиб келаётган масалнавислардан бири таниқли ҳажвчи Мухтор Худойқуловдир. Унинг "Дарё ва Пўкак", "Зирапча", "Соялар", "Қирқ масал", "Аломат дунё" сингари шеърий ва насрий масаллар тўпламлари, ҳажвлар, ҳикоялар тўпламлари кенг китобхонлар ҳукмига ҳавола этилган. Адиб жаҳон адабиётининг машҳур намояндалари бўлмиш Эзоп, рус масалчиси И.А.Крилов масалларини ҳам ўзбек тилига муваффақиятли таржима қилган.

Мухтор Худойқулов қирқ йилдан кўпроқ вақт мобайнида Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида матбуот назарияси бўйича талабаларга дарс бериб келади, у кўплаб журналистларнинг устози ҳамдир.

— Домла, ҳам илмда, ҳам ижодда қалам тебратиб, шуҳрат қозониш осон эмас. Аслида буларнинг қай бири руҳиятингизга яқинроқ...

— Илму орифлик – донишмандликдир. Ўқиб ўрганмоқ машаққати, залвори барчага аён. Илмий соҳадаги ишларимни камситмаган ҳолда, шуни очиқ тан олишим керакки, мен кўпроқ ижод қилишни севаман, чунки ижод маълум маънода яратиш, йўқдан бор қилиш ҳисобланади. Шунинг учун ижод қилсам, илмда чеккан машаққатларимни ҳам унутиб юбораман.

— Ҳажвий асар яратиш учун ижодкорда ҳаётга, одамларга, умуман, ҳар бир воқеа, ҳодисаларга ўта сезгир нигоҳ, танқидий кўз билан қараш кучли бўлиши лозим. Шу нуқтаи назардан ижод маҳсуллари осонликча пайдо бўлмаса керак...

— Ҳаётнинг минг жиҳатию жилоларини қалб кўзи билан кўриб, ундаги инсонларнинг ўзига хос хулқ-атвори, нуқсону қусурларини турфа рамзий тимсоллар орқали ифода этиш осон иш эмас. Бу жанрда ижод қилувчи киши ҳаётни гўзал ва беғубор кўришни истагани учун унга соя солувчи ҳар қандай иллат ва нуқсонларни илғаб олиб, мажозий тимсоллар ёрдамида фош этиши лозим. Бунга менинг ёзган шеърий ва насрий масалларим мисол бўлар.

— Ижоднинг масалчилик жанрига кимнинг ва ниманинг таъсирида кириб келгансиз?

— Ёшлигимдан ўзимда ҳажвга мойиллик сезардим. Йўргакдан теккан бу "дард" ҳамон тинч қўймайди. Ҳажвда устозларимга эргашиб кам бўлмадим. Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Ойбекдек азиз устозлар, улкан адибу алломалардан абадул-абад бошим осмонда. Масал бобокалони Криловни таржима қилиб, эъзозлаб ўзим ҳам кўп нарса топдим.

— Масалчилик ҳақида гап кетганда кўпчилик бу жанрда беназир асарлар яратган Эзоп, Гулхаий, Крилов каби забардаст масалчиларнинг асарларини мароқ билан ўқиганлигини тўлқинланиб гапиришади. Ўзингиз ҳам Криловдан таъсирланиб туркум масаллар ёзгансиз. Масалчи сифатида Шарқ масалчилигига муносабатингиз қандай?

— Гулханийнинг "Зарбулмасал" асарини эътиқод билан ўқиганман. Айниқса, "Туя билан бўталоқ", "Тошбақа билан чаён"масалларидан таъсирланиб, бир қанча масаллар ёзганман. Гулханийдан тасвир, мажоз ва қуйма насрий баёнчилик маҳоратини ўрганган бўлсам, ҳазрат Навоий фалсафа, Машраб кескин руҳият бобида мен учун устоздирлар. Ўқувчилар Шарқ масалчилигидан янада чуқурроқ баҳраманд бўлишлари лозим, бунинг учун эса мактаб дарсликларидан мазкур жанр усталари ижодига кенгроқ ўрин берилиши керак деб ўйлайман.

— Хозирги ўзбек масалчилигининг ўрни, аҳволи ҳақида нима дейсиз?

— Бу саволингиз бир воқеани ёдимга солди. Бундан бир неча йил муқаддам ёш ёзувчилардан бири масални менсимасдан «Масал ҳам ижодми?» дея кулмоқчи бўлганди. Мен бу жанрни ҳимоя қилиб: «Мўъжиза юз бериб, юз йилдан кейин сизнинг ёзган бошқотирма ҳикояларингиз қоладими ёки масал, ўшанда кўрармиз», дегандим. Ҳозир ҳам шу фикрда турибман. Ижодкорларда масалчиликка бўлган бундай муносабатни ўзгартиришимиз зарур. Негадир адабий жараёнларда ёш масалчи ижодкорлар деярли кўринмаяпти.

— Яқинда "Шарқ" нашриётида чоп этилган "Кўз бўлмаса пешона" номли тўпламингиз китобхонларга маъқул ва манзур бўлди. Энди адабий жараёнда ҳам масал жанрига эътибор қаратилиши учун нималар қилиш лозим, деб ўйлайсиз?

— Адабий танловларда мазкур жанрда ишлаётган истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш даркор. Бунга адабий жамоатчиликнинг эътибори кучайтирилса, фойдадан ҳоли бўлмасди.

— Масалнинг нутқ маданиятини ўстиришдаги аҳамияти беқиёсдир. Бу жанр бўлғуси санъаткорлар учун нима беради?

— Масал саҳна санъаткорларини тайёрлашда асосий адабий-ижодий манба бўлиб хизмат қилади. Кўпинча санъат институтида таълим олаётган талабалар масалларимдан фойдаланиб, ўқишга кирганликларини айтиб ғурурланишади. Бундан бошим кўкка етади.

— Масал, сатира, юмор одамларни кулдирадиган, кайфиятини кўтарадиган восита эмас. Балки... ана шу фикрни ўзингиз жавобингиз билан давом эттирсангиз?

— Улуғ Эзоп "Масал, бу — уйдирма гап ҳам эмас, чўпчак ҳам эмас, балки ҳақиқатдир", деган эди. Мен эса масал матал эмас, бу — виждон деган бўлардим. Чунки масал одамларни ҳам кулдиради, ҳам йиғлатади, ҳам виждонини эслатиб туради.

— «Ҳуррият» ўқувчиларини янги масалларингиз билан таништирсангиз...

— Марҳамат.

Капалак билан Тошбақа

— Вой бечора-ей, атиги бир баҳоргина умр кўрасан-а? — деди Тошбақа бир куни Капалакка.

— Дашту саҳрода бемақсад, бемаъно юз йил санқигандан кўра, бир гулнинг жамолига бир бора тўйиб ўтган афзал, — деди унга Капалак.

Соддалик

— Одамлар мени жуда ҳурмат қилишади, доим бошларида кўтариб юришади, — деб қолди бир куни Силовсин жониворларга:

— Э, тентак, сени эмас, терингни шилиб телпак қилиб кийишади, — дейишди унга.

Мутакаббир

— Мен ҳеч кимни икки пулга олмайман, — деди бир одам.

— Бошқалар эса уни бир пулга ҳам олишмасди.

Тандир билан Ўчоқ

— Сизларга нима керак? — деб сўрашди Тандир билан Ўчоқдан.

— Қозон осилиб, нон ёпилиб турса бўлди, — дейишди улар.

Кулги нима дейди?

— Мен тўрт мучаси соғ, иши бешу кайфу чоғларга ҳамроҳман. Феъли чатоқ, бадқовоғу сердимоғлар ўтаверишсин, — деди Кулги.

Адиба УМИРОВА суҳбатлашди.

СПОРТ

ВЕЛОМАРАФОН ЯКУНЛАНДИ

Жорий йилнинг апрель ойида Нукус-Тошкент, Термиз-Тошкент ҳамда Фарғона-Тошкент йўналишларида старт олган I Ёшлар миллий веломарафонининг ёпилиш маросими пойтахтимиздаги "Ёшлик" спорт мажмуида бўлиб ўтди. Тадбирда таъкидлаганидек, бу хилдаги мусобақаларни тез-тез ташкиллаштириб туриш юртимизда велоспортни оммалаштиришда катта ёрдам бериши шубҳасиз. Қолаверса, веломарафон ёшларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва маънавий-ахлоқий тарбиясини янада яхшилашда ҳам ўз ижобий таъсирини кўрсатади.

Тадбир "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бир қатор вазирлик ҳамда жамоатчи ташкилотлар томонидан ўтказилди.

ЯНА... РОНАЛДУ



«Манчестер Юнайтед» жамоасининг португалиялик ўйинчиси Криштиану Роналду қаторасига иккинчи марта Англия премьер лигасининг мавсумдаги энг яхши ўйинчиси деб топилди. Англия Профессионал футболчилар уюшмаси ўтказган сўровда кўпчилик футболчилар айнан мана шу ярим ҳимоячига овоз берган. 23 ёшли Криштиану Роналду жорий мавсумда айни кунга қадар рақиблар дарвозасига 38 та гол уришга эришди. Ана шу голларнинг 28 таси премьер лига доирасидаги учрашувларда киритилган. Сўровда Роналдудан ташқари «Ливерпуль» етакчилари Фернандо Торрес ва Стивен Жеррард, «Арсенал» жамоасидан эса Фабрегас ва Эммануел Адебайор ҳамда «Портсмут» клуби дарвозабони Дэвид Жеймс номзодлари қайд этилганди.

— Мен совринни қўлга киритганимдан бахтиёрман. Буни айнан ҳамкасбларим эътироф этишгани эса янада кўпроқ қувонтирди. Мен Адебайорга овоз бергандим. Бу мавсумда Торрес ва Фабрегасни ҳам ёмон ўйнади, деб бўлмайди, — дейди «қизил иблислар» етакчиси.

РАФАЭЛ РЕКОРДНИ ЯНГИЛАДИ



Россиялик ракетка устаси Николай Давиденко жаҳоннинг иккинчи рақамли теннисчиси Рафаэл Надал билан Монте-Карло шаҳрида ўтказилган "Мастерс" турнирининг ярим финалида ўзаро мусобақалашди. Гарчи якуний ҳисоб 6:3, 6:2 кўринишида испаниялик спортчи фойдасига ҳал бўлган бўлса-да, икки соат давом этган мазкур учрашув муросасиз курашларга бой бўлди, деб хабар тарқатди www.sovsport.ru сайти. Эслатиб ўтамиз, Николай Давиденко "Мастерс" турнири тарихида фақат чорак финалгача етиб келган холос. Шунингдек, ушбу икки спортчи охирги марта Майамидаги мусобақа финалида баҳс олиб боришган, ўша сафар россиялик теннисчининг қўли баланд келганди. Монти-Карлода бўлиб ўтган мазкур ўйин испаниялик спортчига реванш олиш имкониятини яратиб берди, десак янглишмаган бўламиз. Негаки, улар бу орада бирор марта ҳам бир-бирига қарши кортга чиқишмаган.

Рафаэлнинг эса кетма-кет тўртинчи бор финалгача етиб келиши "Мастерс" турнирида янги рекордни қайд этди.

Иккинчи ярим финал швейцариялик Федерер ва сербиялик Жокович ўртасида кечди. Унда 6:3, 3:2 натижаси билан Федерер финал йўлланмасига эга бўлди.

ЖАНГ ҚОЛДИРИЛДИ



Уч вазнда жаҳоннинг мутлақ чемпиони Феликс Тринидаднинг отаси, менежери ва мураббийи катта Феликс Тринидад ўрта вазндаги чемпион Жермейн Тейлорга қарши ўтказилиши режалаштирилган жанг қолдирилганини маълум қилди. Ота бола бу ҳақда Тейлорнинг промоутери Дон Кинг билан келишиб олган. Катта Феликс Тринидадни гапларидан унинг ўғли Роем Жонс билан муштлашувдан кейин жангга дарҳол жисмонан тайёр бўлолмаслиги ойдинлашди.

Шундай қилиб, ҳозир Тринидадга фаолиятини давом эттириш учун иккита йўл қолди. Яъни у жаҳонда ўрта вазнда мутлақ чемпион Бернард Хопкинс ёки амалда олти вазнда чемпион ҳисобланган Оскар Де Ла Хойя қарши рингга чиқишга мажбур. Бутун жаҳон аҳли ота-бола нега бундай йўл тутганига ҳайрон қолмокда.

ГРАНДЛАР ХАРИДГА ШАЙ

Англиянинг "Манчестер Юнайтед" футбол клуби Германиянинг "Вердер" жамоаси дарвозабони Тим Визени ўз сафига қўшиб олиш ниятини билдирди. Негаки, жорий мавсум ниҳоясида "МЮ"нинг асосий дарвозабони Эдвин ван дер Сар жамоани тарк этиши мумкин. Аммо инглизлар ва немислар ҳали бир тўхтамга келганича йўқ. Чунки Тим Визенинг 2012 йилгача "Вердер" жамоаси билан шартномаси мавжуд. Мураббий Ферюссон эса голландиялик посбон ўрнини айнан Визе тўлдиришига ишонмокда.

Туманли Альбионнинг яна бир гранд жамоаси "Ливерпуль"нинг бош мураббийи Рафаэль Бенитес ёзда жамоага келиши кутилаётган футболчилар руйхатини эълон қилди. "Ливерпуль"нинг асосий хариди сифатида Эквадор терма жамоаси ярим ҳимоячиси Луис Валенсия маҳаллий матбуотда тилга олиняпти. Бу футболчи ярим ҳимоянинг ҳар икки қанотида бирдек ўйнай олади. Шундан бўлса керак, уни ўз сафида кўришни истаётган жамоалар сони кўпаймокда. Улар орасида "Ливерпуль"нинг азалий рақиби "Манчестер Юнайтед" ҳам бор.

Азим Рўзиев тайёрлади.

HURRIYAT
O'zingni anglab!
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 236-53-92, 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-56-38 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Бухоро — 8-365-715-30-57
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-367-374-81-53
Сурхондарё — 8-376-335-10-22
Тошкент — 8-370-76-21-934
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-20-80
Қорақалпоғистон — 8-361-55-428-97

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фаррух Жабборов

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.20

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г-354 Адади: 7033 1 2 3 4 6 7 8